2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 227 (1826), 2026 йил 3 ноябрь, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

КЕНГАЯЁТГАН МЕҲНАТ БОЗОРИ, АНИҚ МАНЗИЛЛИ ИШ КАФОЛАТИ ВА ТИЗИМЛАШГАН ЖАРАЁН

Президентимиз Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги “Intil” халқаро тил ва касбга ўқитиш маркази фаолияти билан танишиб, меҳнат миграцияси соҳасидаги устувор вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказди.





Хорижга бориб ишлаш деганда хаёлимизда шаклланадиган илк тасаввур, албатта, яхши даромад ва яхши ҳаёт кечириш билан боғлиқ бўлади. Миграция жараёнининг мазмуни ҳам шу, аслида. Чунки одамзод ҳар доим орзу-ҳавас билан яшайди. Олдига катта мақсадларни қўяди. Ниятлари йўлида интилади, ҳаракат қилади, изланади.

Бугун дунёда 168 миллион киши хорижий давлатларда ишлаётгани жараённинг ана шу ўзгармас қоидаси амалда эканини кўрсатади.

“Мусофирнинг нони қаттиқ”, дейишади. Шу маънода, юқори маош деб ўзини ўтга ҳам, чўққа ҳам уравериш ярамайди. Чунки бугун замон бошқача, мамлакатлар ривожланмоқда, меҳнат талаблари ўзгармоқда, меҳнат бозорига янги касблар кириб келмоқда. Шундай экан, ишчи ҳам бунга тайёр бўлиши ва шунга мос маошни талаб қила олиши керак.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ушбу йўналишда қилинаётган ишларга чуқурроқ назар ташласак, кўрилаётган чоралар мазмун-моҳиятини теранроқ англай бошлаймиз. Бу ишлар самараси, аввало, юртдошларимизни меҳнат қилиш учун чет элга тартибли жўнатиш жараёни тизимлаштирилиб, меҳнат бозори кенгаяётганида кўзга ташланади. Яъни бугун Ўзбекистон фуқаролари ҳаммамиз биладиган бир-икки мамлакатга эмас, балки бошқа давлатларга иши тайин бўлгачгина юборилмоқда. Бу, табиийки, илгаригидай сарсонгарчиликларнинг олдини олади. Ҳамюртларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлайди.

Президентимиз танишган “Intil” халқаро тил ва касбга ўқитиш маркази айни шу мақсадга хизмат қилиши билан аҳамиятли. Яъни марказнинг асосий вазифаси хорижда ишлаш истагидаги юртдошларимизни тил, касб ва амалий кўникмалар билан таъминлаб, халқаро меҳнат бозорида малакали мутахассис сифатида ўз ўрнини топишига кўмаклашишдир. Бу ерда тайёргарлик хорижий иш берувчиларнинг аниқ эҳтиёжлари ва иш жойида қўйиладиган талаблар асосида ташкил этилган.

Учтепа туманида қарийб 3,5 гектар майдонда жойлашган мажмуа фуқаронинг дастлабки мурожаатидан тортиб, ҳужжатларини расмийлаштириш, тил ва касб ўрганиш, малакасини тасдиқлаш ҳамда хорижга ишга жўнаб кетишигача бўлган босқичларни қамраб олади.

Давлатимиз раҳбари марказ фаолияти билан танишар экан, жаҳон меҳнат бозори ўзгараётганига эътибор қаратди. Мамлакатимизда ҳам чет элда ишлаш истагидаги фуқаролар бор, бошқа давлатларда эса ишчи кучига эҳтиёж юқори. Ушбу икки имкониятни ўзаро боғлаш соҳа мутасаддилари ва ҳудудлар раҳбарлари олдида турган асосий вазифа экани қайд этилди.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда мамлакатимизда тартибли меҳнат миграциясига муносабат тубдан ўзгарди. Илгари бу йўналишда 3 та давлат билан ишланган бўлса, ҳозир уларнинг сони 27 тага етди. Ҳамкорлик қилаётган йирик хорижлик иш берувчилар қарийб 400 тага кўпайди.

“Интилганга толе ёр”, дейишади. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги томонидан ташкил этилган марказ номида ушбу мақолда келтирилган маъно мужассам. Яъни бу ерда ҳозир 6 та халқаро лойиҳа доирасида касбга, ҳунарга, билимга интилган 240 тингловчи таҳсил олмоқда. Бу ерда тайёргарлик хорижий иш берувчиларнинг аниқ эҳтиёжлари ва иш жойида қўйиладиган талаблар асосида ташкил этилган.

Фронт-офисда маслаҳат, ҳужжат ва виза масалалари бўйича кўмак кўрсатилади. Шунингдек, банк хизматлари, авиачипта кассалари, виза хизматлари ваколатхоналари ва call-марказ фаолияти йўлга қўйилган.

Мажмуада 600 ўринли ўқув хоналари, 180 ўринли амалий машғулот хоналари, 120 ўринли имтиҳон маркази ва 400 ўринли ётоқхона мавжуд. Ўқув-амалий машғулотлар учун жиҳозлар Германия, Хитой ва Россиядан олиб келинган.

Марказда немис, инглиз, япон, корейс, чех, поляк, итальян ва словак тиллари бўйича тайёргарлик йўлга қўйилган. Тил ўқитиш дастурлари 6 ойдан 10 ойгача давом этади.

Хорижий иш берувчилар эҳтиёжларига қараб, таълим мазмуни янгиланиб, тўлдириб борилади.

Касбий тайёргарлик 12 та таълим дастурини қамраб олади. Улар орасида тиббиёт, пайвандчилик, электр ва сантехника ишлари, омбор логистикаси, қурилиш, меҳмонхона-ресторан хизмати ҳамда ошпазлик йўналишлари бор.

Машғулотлар реал иш жараёнларига яқинлаштирилган шароитларда ўтказилади, тингловчилар назарий билимларни амалда қўллашни ўрганади. Марказда Япониянинг “Proud Partners” ва “Onodera User Run”, Германиянинг “Deutsche Bahn” ва “RecruitMed GmbH”, Чехиянинг “PentaHospital” ҳамда Италиянинг “Perugia University” ҳамкорлигидаги лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Мажмуага 40 нафар маҳаллий ўқитувчи ва ходим ҳамда 6 нафар хорижий тил ўқитувчиси жалб қилинган. Келгусида хорижий иш берувчилар эҳтиёжи асосида номзодларни саралаш, тил ва касбга ўқитиш, хориждаги ҳаётга тайёрлаш ҳамда ишга жойлаштиришга кўмаклашиш тажрибасини республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам ягона тизим сифатида жорий этиш режалаштирилган.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Очиғи, аксарият одамлар четга чиқиб ишлаш деб қурилиш, қишлоқ хўжалиги ёки бошқа оддий юмушларни тушунарди ва четга кетганлар ҳам айни шу соҳаларда оддий ишчи бўлиб меҳнат қиларди. Яъни ниятига яраша натижага эришарди. Бугун эса ҳолат бошқача. Вазият талаби бўлакча. Мигрантлик катта тайёргарлик, муносиб иш ва меҳнатга яраша ҳақ дегани. Мутахассислар нуқтаи назаридан айтганда, миграция — экспорт. Ишчи кучи экспорти. Бу бутун дунёда бор жараён. Мигрантлар мамлакат иқтисодий салоҳиятини оширувчи куч. Билимли, ҳақ-ҳуқуқини таниган, мутахассис бўлган мигрантнинг фойдаси эса янада кўп бўлади. Мамлакатимизда ушбу йўналишдаги ишлар айни шунга қаратилгани билан диққатга сазовор. Яъни бунинг замирида ислоҳотларнинг бош омили — “Инсон қадри учун” тамойили турибди.

Буни Президентимиз меҳнат миграцияси соҳасидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган йиғилишда алоҳида таъкидлади.

Давоми 2-бетда

МАРКАЗИЙ ОСИЁ “КАТТА ЎЙИН” ОБЪЕКТИ ЭМАС

Содиқ Сафоев Самарқанд учрашувлари, Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари ва минтақанинг янги мавқеи ҳақида

Шу йил октябрь ойида жаҳон ҳамжамиятининг эътибори яна Самарқандга қаратилди. АҚШ Давлат котиби Марко Рубионинг мамлакатимизга расмий ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан музокаралар, Марказий Осиё ва АҚШ ташқи ишлар вазирларининг С5+1 форматидаги учрашуви ҳамда Америка — Ўзбекистон ишбилармонлик ва инвестициялар кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу сиёсий ва иқтисодий мулоқотларнинг аҳамияти, эришилган келишувлар ҳамда Марказий Осиёнинг жаҳон сиёсатидаги янги ўрни ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари, таниқли дипломат ва сиёсатчи Содиқ САФОЕВ билан суҳбатлашдик.

— Содиқ Солиҳович, Марко Рубионинг Ўзбекистонга тарихий ташрифи халқаро ҳамжамият ва оммавий ахборот воситаларида жуда катта қизиқиш уйғотди. Сиз ушбу ташриф аҳамиятини нималарда кўряпсиз?

— Дарҳақиқат, Самарқандда бўлиб ўтган музокаралар, учрашувлар ва анжуманларни ҳеч иккиланмасдан тарихий воқеа дейиш мумкин. Марко Рубиога Ўзбекистонга жўнаб кетиши олдидан “Жаноб Давлат котиби, бутун дунё инқирозлар ва низолар гирдобида турган бир пайтда нега айнан Ўзбекистонга, Самарқандга кетяпсиз?” дея савол беришди. Унинг жавоби шундай бўлди: “Тўғри, ҳозир бутун дунёда муаммолар кўп, аммо биз келажакни ҳам ўйлашимиз керак. Ўзбекистон бугун жадал ривожланаётган, кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошираётган давлат. Бундай мамлакат билан ҳамкорлик қилиш бугунги қийинчилик ва зиддиятларга ечим топишда ҳам ёрдам беради”.

Ушбу жавобда янги Ўзбекистонга, мамлакат раҳбарининг халқаро майдонда эгалланган мавқеига нисбатан ҳурмат ва ишонч мужассам десам, янглишмаган бўламан.

Самарқанддаги тадбирлар уч йўналишда ўтди. Биринчиси — Президент Шавкат Мирзиёев ҳамда АҚШ Давлат котиби Марко Рубио ўртасидаги икки томонлама мулоқот. Иккинчиси — Америка — Ўзбекистон ишбилармонлик ва инвестициялар кенгашининг йиғилиши. Давлат котибига АҚШнинг 200 та йирик компанияси вакиллари ҳамроҳлик қилди. Демак, кун тартибида сиёсий мулоқот билан бирга иқтисодий ҳамкорлик ва инвестицияларга ҳам жуда катта ўрин берилди. Учинчиси — Марказий Осиё ва АҚШ ташқи ишлар вазирларининг С5+1 форматидаги учрашуви.

Шубҳасиз, Самарқандда эришилган келишувлар ва муҳокама этилган масалалар Президентимиз ташқи сиёсатининг, янги Ўзбекистон дипломатиясининг энг салмоқли натижаларидан бири бўлди.

Давоми 3-бетда

ХИТОЙДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ КИТОБИ НАШР ЭТИЛДИ

Пекинда Президент Шавкат Мирзиёевнинг хитой тилида чоп этилган “Ўзбекистон барқарор тараққиёт ва фаровонлик йўлида” китоби тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбирда Хитой вазирлик ва идоралари, ижтимоий-сиёсий, илмий-академик, эксперт ва ишбилармон доиралари, етакчи оммавий ахборот воситалари ҳамда хорижий дипломатик корпус раҳбарлари иштирок этди.

Хитойнинг нуфузли “Жэньминь” нашриётида чоп этилган ушбу китоб 8 бобдан иборат бўлиб, “Ўзбекистон кенг



кўламли ислоҳотлар жараёнида”, “Ўзбекистон ва БМТ”, “Ўзбекистон ва ШҲТ”, “Марказий Осиё — Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналиши” ва бошқа мавзуларни қамраб олган.

Давоми 2-бетда

МИНТАҚАВИЙ ОЗИҚ-ОВҚАТ САВАТИ: БИР-БИРИНИ ТЎЛДИРАДИГАН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Оила дастурхонидаги нон, мева, сут ва балиқнинг ҳар бири ортида уруғдан бозоргача давом этадиган меҳнат ва билим занжири бор. Марказий Осиёни яхлит озиқ-овқат савати сифатида кўриш таклифи ана шу занжирларни бир-бирига боғлашдан бошланади. 2026 йилги ФАО Жаҳон озиқ-овқат форумида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ташаббус минтақанинг қишлоқ хўжалиги, илм-фан, озиқланиш, инвестиция ва логистика имкониятларини умумий мақсад атрофида бирлаштиришга қаратилди.

Жаҳон озиқ-овқат форуми ёшлар ташаббуслари, илм-фан, инновация ва инвестиция бир майдонда учрашадиган халқаро платформадир. Турли мамлакатлар бу ерда глобал озиқ-овқат хавфсизлиги учун ўз ечимларини тақдим этади. Биз Марказий Осиёнинг имкониятларини умумий озиқ-овқат савати, қуруқлик орқали боғланган минтақавий тизим ва уни амалга оширишга хизмат қиладиган 7D модели орқали бир бутун ҳолда кўрсатишни таклиф қилдик.

Таклифнинг марказида оддий, аммо стратегик ғоя бор. Марказий Осиё давлатларининг денгизга чиқиш имконияти чекланган бўлса-да, улар бир-бири билан қуруқлик орқали боғланган.

Давоми 4-бетда

Давлатимиз раҳбари хориждаги меҳнат бозорларига чиқишда элчилар, ҳокимлар ва техникумлар ҳамжиҳат ишлаши зарурлигини таъкидлади. Германия, Туркия, Словакия ва Қатарда ҳамкорлар топиб, уларни техникумлар билан боғлаш ва юртдошларимизни ишга жойлаштириш бўйича ижобий мисоллар бор. Лекин қолган мамлакатлардаги элчиларимиз бу масалада суст экани кўрсатиб ўтилди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 3 ноябрь, 227-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

КЕНГАЯЁТГАН МЕҲНАТ БОЗОРИ, АНИҚ МАНЗИЛЛИ ИШ КАФОЛАТИ ВА ТИЗИМЛАШГАН ЖАРАЁН

Бошланиши 1-бетда

Чет элда ишлаётган юртдошларимиз сони ўн йилда икки баравар камайган бўлса-да, уларнинг оилаларига юбораётган маблағлари тўрт карра ошди. Бу, Президентимиз таъкидлаганидек, халқаро меҳнат бозорида ўзбек мутахассисларига муносабат ўзгариб, одамларимиз четга оддий ишчи эмас, малакали кадр сифатида бораётганини кўрсатади.

Шу билан бирга, ҳудудлар ўртасида фарқ катта. Масалан, хорижда ишлаётган бир кишига тўғри келадиган ўртача ойлик пул ўтказмаси Фарғонада 1850 доллар бўлса, Қорақалпоғистон ва Тошкент вилоятида 400 долларга, Сирдарёда 500 долларга, Жиззах ва Навоийда 600 долларга, Сурхондарё ва Хоразмда 700 долларга ҳам етмаяпти. Шу боис, ҳокимлар, элчилар ва техникум раҳбарлари одамларни юқори даромадли ишларга тайёрлаш бўйича ўз ишини қайта кўриб чиқиши зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

— Аслида, инсон қаерда ишлаши, қанча маош олиши, ҳуқуқини ким ҳимоя қилишини билиб бориши керак, — деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари хориждаги меҳнат бозорларига чиқишда элчилар, ҳокимлар ва техникумлар ҳамжиҳат ишлаши зарурлигини таъкидлади. Германия, Туркия, Словакия ва Қатарда ҳамкорлар топиб, уларни техникумлар билан боғлаш ва юртдошларимизни ишга жойлаштириш бўйича ижобий мисоллар бор. Лекин қолган мамлакатлардаги элчиларимиз бу масалада суст экани кўрсатиб ўтилди.

Европа Иттифоқи илк бор Марказий Осиёдан мутахассисларни жалб этиш масаласини миграция стратегиясига киритди. Президентимиз бу имкониятлардан фойдаланишда элчи, ҳоким ва техникумларнинг ўрни сезилмаётганини қайд этди. Масалан, Буюк Британияда 33 минг ишчи кучига эҳтиёж бор. Бироқ ҳозирга-ча фуқаролар ушбу мамлакатга, асосан, қишлоқ хўжалигидаги мавсумий ишларга юборилмоқда. Тиббиёт, логистика ва саноат соҳаларида иш берувчилар билан аниқ келишувлар йўқлиги, “Ёшлар мобиллиги” дастурида иштирок этиш масаласи ҳал этилмагани кўрсатиб ўтилди. Италия билан ҳам меҳнат миграцияси имкониятларини кенгайтириш бўйича келишув бор, лекин бу имконият ишга солинмаяпти.

Тил билиш юқори даромад кафолатларидан бири. Бу, айниқса, хорижда меҳнат қилаётганлар учун ҳаётий зарурат. Мамлакатимизда инглиз тилини пухта ўрганиб, сертификат олган 200 мингга яқин ёш бор. Шу билан бирга, АҚШ, Канада, Австралия, Янги Зеландия, Швеция ва Данияда уларнинг меҳнат қилиши учун йўл очиш бўйича ишлар етарли эмас. Президентимиз йиғилишда ушбу жиҳатга алоҳида эътибор қаратди. Чунки Германиядан жорий йилнинг ўзида 45 минг мутахассисга буюртма келиб тушган, аммо атиги 2 минг киши ишга жойлашган. Асосий сабаб — немис тилини биладиган кадрлар етишмаслиги. Шу боис, касбга ўқитиш билан тил тайёргарлигини бирга олиб бориш зарур.

Германиянинг “Globogate” компанияси билан ҳамкорликда юртимиздаги 20 та тиббиёт техникумида йилига 1,5 минг ҳамшира тайёрланмоқда. Қаршидаги илғор касбий маҳорат техникумида германиялик ўқитувчилар ёшларга немис тили ва касб ўргатмоқда.

Андижонда тадбиркор бўш турган техникумни таъмирлаб, Германиядан ўқитувчи жалб қилган ҳолда йилига 1,5 минг мутахассис тайёрлаяпти. Президентимиз бундай тажрибани бошқа ҳудудларда ҳам кенгайтириш, ҳар бир вилоятдаги 2-3 та техникумда касб билан бирга немис тилини ўргатиш зарурлигини таъкидлади.

Германиянинг “Telk” компанияси “Intil” халқаро ўқув марказида 100 нафар немис тили ўқитувчисини тайёрлашни бошлаган. Келаси йил бошидан улар ҳудудлардаги техникумларга жалб қилинади. Вилоят ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари ушбу ўқув маркази тажрибасини ўрганиб, келаси йили ҳар бир ҳудудда ягона миграция марказини очади. Президентимиз топшириғи шундай бўлди. Бунинг учун ҳар бир вилоятга 8 миллиард сўмдан ажратилади. Натижада келаси йил 10 минг киши касб ва немис тилига ўргатилиб, Германияда ишга жойлаштирилади.

Келгуси йил мактаб ва техникумларда немис тилидан дарс бериш учун 500 нафар тил эгаси жалб қилинади. Олий таълим муассасаларида немис тили ўқитувчиларини тайёрлаш бўйича давлат буюртмасини келаси ўқув йилидан икки карра ошириш топширилди.

Германия, Япония ва Жанубий Кореянинг йирик компаниялари ўзларига зарур мутахассисларни Ўзбекистон техникумларида тайёрлашга қизиқиш билдирмоқда. Улар ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, таълим муассасаларини жиҳозлашга сармоя киритишга ҳам тайёр. Президентимиз бир ойда 20 та техникумни танлаб, келгуси йилдан уларни хорижлик иш берувчилар талаби асосида кадр тайёрлашга мослаштиришни топширди.

Шулардан келиб чиқиш айтиш керакки, бугун мамлакатимизда миграция масаласидаги ишлар янги босқичга чиқмоқда. Белгиланган вазифалар, топшириқлар фуқаролар манфаатига мос бўлмоқда. Яъни барча саъй-ҳаракатлар чет элда ишлаш истагидагилар учун қулайлик яратишга қаратиляпти. Жумладан, ҳар бир вилоятдаги 2-3 тадан техникум йирик тадбиркорлар бошқарувига берилиши, улар орқали йилига иш жойида дарҳол фаолият бошлай оладиган камида 30 минг мутахассис тайёрлаш режалаштирилаётгани бу ишларга унум беради. Техникумлар 15 йилга бошқарувга, битирувчиларга давлат намунасидаги малака сертификати берилиши эса уларни оддий ишчиликдан малакали мутахассисга олиб чиқади.

Тадбиркорларнинг кадр тайёрлаш ва ускуна харид қилишга сарфлаган маблағларини тўланган солиқлардан чегириш, чет элда яхши ишга жойлашган ҳар бир битирувчи учун грант ажратиш тизими йўлга қўйилади. Техникумлар хорижлик иш берувчилар билан боғланади.

— Мен ишонаман: чемпион тадбиркорларимиз чет элда “ўзбек мутахассислари бренди”ни яратишда ҳам давлатга кўмакчи бўлади, — деди Президентимиз.

Хусусий бандлик агентликларига лицензия бериш тартиби соддалаштирилгач, икки йилда уларнинг сони уч баравар кўпайди. Ушбу агентликлар орқали хорижда ишга жойлашганлар эса беш карра ортди. Президентимиз соҳада хатолар, коррупция ва фуқароларни алдаш ҳолатлари ҳам бўлганини айтди. Муаммоларни бартараф этиш учун алоҳида қонун қабул қилиниб, ҳуқуқий асос яратилди.

Келаси йилдан фуқароларни чет элга ишга юбориш вазифаси хусусий сектордаги энг ишончли бандлик агентликларига тўлиқ ўтказилади. Юқори даромадли ишга жойлаштирилган ҳар бир киши учун агентликка 1,5 миллион сўмдан рағбат пули тўланади. Ёшларни касб ва тилга тайёрлаш учун техникум биноларининг бир қисми бепул ижарага берилади. Чет элдан жалб қилинган ўқитувчи ва экспертларга ижтимоий солиқ 1 фоиз этиб белгиланади, ўқув жараёни учун зарур ускуна ва жиҳозлар божхона божидан озод қилинади.

Хусусий бандлик агентликлари тўлиқ шаффоф тизимда ишлайди, уларнинг рейтинги юритилади. Фуқаронинг аниқ ишга жойлашиши, ҳуқуқлари таъминланиши, юқори даромад олиши ва кафолатли ижтимоий таъминотга эга бўлиши асосий мезонга айланади.

Президентимиз бир ойда агентликлар фаолиятини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган қарор лойиҳасини киритиш, ушбу фаолиятни ижтимоий хизмат сифатида кўриб, солиққа тортишни шунга мос равишда соддалаштиришга топшириқ берди. Халқаро меҳнат бозорида йирик рекрутинг компаниялари иш берувчилар билан малакали мутахассислар ўртасида муҳим боғловчига айланган. Бундай компаниялар Ўзбекистонда ҳам мутахассисларни ўзлари тайёрлаб, тўғридан тўғри ишга жойлаштириш учун шароит яратиши зарур. Келаси йил мамлакатимизда иккита йирик халқаро рекрутинг компанияси фаолиятини йўлга қўйиш вазифаси белгиланди.

Жорий йилда 34 та давлатда 287 минг кишини ишга жойлаштириш имконияти бор. Аммо бу имкониятлар ҳақида одамлар етарлича хабардор эмас, Миграция агентлиги билан “маҳалла еттилиги” ўртасидаги алоқа ҳам самарали йўлга қўйилмаган.

Чиндан ҳам кейинги пайтларда миграция йўналишидаги ишлар яна бир жиҳати, яъни аниқ мақсад ва манзилли бўлаётгани билан алоҳида эътиборни тортади. Жумладан, йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан айтилаётган фикр ва ташаббуслар, топшириқлар фақатгина одамларни четга ишга тайёрлаш ҳақида бўлмаяпти, балки уларни хориждаги аниқ ишга жойлаб қўйишга қаратиляпти. Яъни давлат ўз фуқаросини қаерда бўлса ҳам эътибордан четда қолдирмаяпти. Бу жиҳатни Президентимиз алоҳида таъкидлаб, “...Чет элда ишлаётган ҳар бир юртдошимиз — оиласининг ризқи, фарзандлари келажаги учун тинимсиз меҳнат қилаётган ҳақиқий мард инсонлар. Улар ҳам бизнинг фуқароларимиз, бизнинг фарзандларимиз”, деди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари миграцияда рақам эмас, сифат кераклигини қайд этди. Хориждаги иш ўринлари ҳақидаги маълумот ҳар бир маҳаллагача етиб бориши керак. Ҳар бир буюртма бўйича қайси мамлакатда қандай мутахассисга талаб борлиги, қаерда ўқиш ва қайси тил кераклигини билиш зарур.

“Маҳалла еттилиги” чет элда ишлаш истагидаги фуқароларга бу имкониятларни тушунтириб, номзодларни “Онлайн маҳалла” платформасига киритади. Ҳокимлар ва масъул ташкилотлар уларни касб ҳамда тилга мақсадли тайёрлаш, кейин эса ишга жойлаштириш учун жавоб беради.

Вилоят ҳокимлари ҳар ойда бир марта, туман ҳокимлари икки марта миграцияга масъуллар ва “еттилик” иштирокида иш натижаларини кўриб чиқади. Ҳар бир номзоднинг тайёргарлиги ва ишга жойлашиши бўйича талабчан назорат ўрнатилади.

Хорижда юқори даромадли иш ўринларини очиш учун иш берувчилар билан келишувнинг ўзи кифоя қилмайди. Ривожланган давлатлар билан фаол иқтисодий дипломатия олиб бориб, квоталар, ишчи визалар ва малакани тан олиш масалаларини изчил ҳал қилиш керак.

Хорижда муаммога дуч келган ватандошларимиз энди ёрдам сўраб, “Онлайн маҳалла” платформасида хабар қолдира олади. Зарур ҳолларда элчининг ўзи фуқаро олдига бориб, унинг ҳуқуқини ҳимоя қилади ва муаммосига ечим топиш билан шуғулланади.

Ҳокимлар олдига хорижда ишлаётганларнинг оиласи ва ота-онаси фаровон ҳаёт кечириши, фарзандлари яхши таълим олиши учун шароит яратиш вазифаси қўйилди. Ҳар бир ватандошимиз қаерда бўлмасин, ортида уни қўллаб-қувватлайдиган Ватани борлигини ҳис қилиб яшаши кераклиги таъкидланди.

30 ноябрдан 5 декабргача пойтахтимизда яна бир йирик анжуман — “Янги Ўзбекистон — глобал имкониятлар чорраҳаси” халқаро форуми ташкил этилади. Президентимиз ушбу тадбир тадбиркорлар учун янги экспорт йўналишларини очиш, чет элда ишлаш истагидаги фуқароларни Европа ва кўрфаз мамлакатларидаги иш берувчилар билан боғлашга хизмат қилиши зарурлигини таъкидлади. Негаки, форумга дунёнинг 52 мамлакатидан вакиллар келади. Ҳар бир элчи ўзи ишлаётган мамлакатдан йирик импортёр ва рекрутинг компанияларнинг 50-100 вакилини жалб қилиши кераклиги қайд этилди. Форумда хорижлик ҳамкорлар билан 2027 йил учун экспорт, туризм ва миграция йўналишларида аниқ келишувларга эришиш вазифаси қўйилди.

Мамлакатимизда миграция соҳасидаги ишлар фақат иш ўрни топиш билан чекланиб қолмаслиги керак. Буни Президентимиз ҳам қайд этиб, элчилар ҳокимлар билан бирга фуқаронинг ишга жойлашиши ва янги муҳитга кўникишигача бўлган жараён учун масъул бўлишини таъкидлади.

Йил бошидан буён 1 миллион 116 минг киши миграциядан қайтган. Улар саноат, логистика, қурилиш ва бошқа соҳаларда ўзига хос тажрибага эга. Яъни тайёр мутахассис. Хорижда йирик саноат корхоналарида ишлаб, замонавий технология ва меҳнат маданиятини ўзлаштирган бу каби мутахассисларни мамлакатимиз корхоналарига жалб этиш мумкин. Бу улар учун катта имконият. Шу мақсадда чет элдан қайтган фуқароларнинг ишлаган жойи, касби ва стажи акс этадиган платформа яратилиб, ҳокимлар ҳамда тармоқ раҳбарлари фойдаланадиган тизимга уланади. Йил якунигача қайтган 250 минг кишига мос иш топиш, тадбиркорлик қилишни истаганларга эса йўл-йўриқ кўрсатиб, шароит яратиш мутасаддиларнинг навбатдаги вазифаси бўлади.

Давлатимиз раҳбари йиғилишда мигрантлар келажагига дахлдор яна бир масалага эътибор қаратди. Гап шундаки, бугун юртдошларимиз 40 дан зиёд давлатда қонуний ишлаб, солиқлар билан бир қаторда пенсия бадалларини ҳам тўлаяпти.

— Уларнинг хорижданги иш стажи Ватанга қайтганидан кейин ҳисобга ўтиши, айниқса, пенсия тайинлашда бу, албатта, инобатга олиниши зарур, — деди Президентимиз.

Демак, энди Ўзбекистон фуқаросининг четда ишлаган йиллари ҳам пенсия ёшига етганда ҳисобга олинади. Бу мақсадда амалий ишларга киришилгани диққатга сазовор. Яъни жорий йил Қирғизистон, Озарбайжон ва Туркия билан иш стажи ва пенсия ҳуқуқини тан олиш бўйича икки томонлама битимлар имзоланган. Шу билан бирга, фуқароларимиз кўп ишлаётган Россия, Германия, Япония, Жанубий Корея, Болтиқбўйи ва Болқон давлатлари билан ҳам шундай келишувларга эришиш керак.

Давлатимиз раҳбарининг навбатдаги топшириғи шу бўйича бўлди: масъулларга хорижлик ҳамкасблари билан музокаралар ўтказиб, йил якунигача эришилган аниқ натижалар юзасидан ахборот бериш топширилди.

Бугун Ўзбекистонга келаётган хорижий ишчилар ҳам кам эмас. Йиғилишда бу йўналишдаги ишлар ҳам кўриб чиқилди. Ўзбекистонда узоқ муддат яшаётган чет элликлар сони 250 мингга яқинлашган. Улардан 36 минг нафари ишлашга рухсатнома олган, 24 минг нафари талаба. Қолганларнинг бандлиги ва даромад манбалари ҳақида аниқ маълумот бўлиши зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, янги иш ўринларига биринчи навбатда ўзимизнинг фуқароларни жойлаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилиш давомида соҳада фаолият юритаётган тадбиркорлар билан мулоқот қилинди, ҳудудлар раҳбарларининг ахбороти тингланди.

Мигрантлар қабул қиладиган мамлакат учун етишмаётган ишчи кучи ўрнини тўлдириш орқали унинг иқтисодиётини ривожлантиришда қўл келса, жўнатадиган давлат учун оилаларнинг кундалик эҳтиёжларини қоплаш, камбағалликни камайтириш ва ички бозорда харид қобилиятини оширишга муносиб ҳисса қўшади. Қолаверса, одамларда тажриба, малака ва тадбиркорлик имкониятини юзага чиқаришга туртки беради.

Давлатимиз раҳбарининг “Intil” халқаро тил ва касбга ўқитиш маркази фаолияти билан танишуви ва миграция борасидаги йиғилишда кўтарилган масалалар шу каби мақсадларга қаратилган ишларни такомиллаштиришга хизмат қилади, албатта.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ХИТОЙДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ КИТОБИ НАШР ЭТИЛДИ





Бошланиши 1-бетда

Китобда Ўзбекистон Президентининг янги Ўзбекистонни барпо этиш доирасида мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, ички ва ташқи сиёсат масалаларига бағишланган нутқ ва маърузалари, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг хорижий оммавий ахборот воситаларида чоп этилган интервью ва мақолалари жамланган.

Тақдимот давомида китоб Ўзбекистон Президенти раҳбарлигида мамлакатда кечаётган кенг кўламли тарихий ислоҳотлар, янги Ўзбекистоннинг тараққиёти, ички ва ташқи сиёсатнинг устувор йўналишлари ҳақида Хитой ва халқаро жамоатчиликни кенг хабардор этишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси Халқаро алоқалар бўлими мудири Лю Хайсин Хитойда Президент Шавкат Мирзиёев китобининг нашр этилишини ҳар томонлама стратегик шериклик ўрнатилганининг ўн йиллиги нишонланаётган йилдаги муҳим воқеа сифатида баҳолади.

Лю Хайсиннинг фикрича, 2027 йил 2 январь куни нишонланадиган дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 35 йиллиги арафасида Пекин Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт ва кенг кўламли модернизация йўлини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлашга тайёр. Хитой томони янги мамлакат қурилишини сиёсий ишончни мустаҳкамлаш ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш учун имкониятлар очадиган муҳим жараён сифатида кўради.

Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси Тарғибот бўлими мудири ўринбосари Хон Даён ушбу китобнинг чоп этилишини Ўзбекистон — Хитой гуманитар алоқалари ривожидаги йирик воқеа деб атади. Унинг таъкидлашича, икки давлат етакчилари раҳбарлигида ўзаро муносабатлар изчил равишда янада юқори даражага кўтарилиб бормоқда, маданий ва интеллектуал мулоқот эса бу жараёнга алоҳида теранлик бағишламоқда.

Ўзбекистон Президентининг давлат бошқаруви соҳасидаги ғояларининг теранлиги ва уларни амалиётга татбиқ этиш натижадорлиги алоҳида эътиборга лойиқ. Китоб миллий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда танланган йўлнинг ўзига хос хусусиятларини очиб беради ва “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга ошириш борасидаги қатъий сиёсий иродани акс эттиради. Хитойлик экспертлар, жамоатчилик доиралари вакиллари ва кенг китобхонлар оммаси учун ушбу китоб Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти ҳақида қимматли билим манбаи ҳисобланади.

“Хитойда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг китоби нашр этилганидан жуда хурсандмиз. Унда янги Ўзбекистондаги стратегик ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, мамлакатнинг замонавий ривожланиши, ички ўзгаришлар ва ташқи сиёсат мақсадлари очиб берилган. Хитой аудиторияси учун мазкур нашр Ўзбекистонни модернизация қилиш жараёнини чуқур ўрганишда муҳим амалий аҳамиятга эга”, деди **Хитой замонавий халқаро муносабатлар академияси президенти Фу Сяоцян.**

ШҲТ Бош котиби ўринбосари Пяо Янфаннинг қайд этишича, давлат раҳбарининг китоби янги Ўзбекистон қиёфасини шакллантираётган кенг кўламли ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тўлақонли ҳамда ҳар томонлама англаш учун муҳим манба саналади.

У Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистоннинг қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш борасида эришган тарихий ютуқларини юқори баҳолади.

Шунингдек, Пяо Янфан ислоҳотларнинг изчиллиги мамлакатнинг халқаро нуфузи ва иқтисодий жозибадорлиги ошишига хизмат қилаётгани, муваффақиятлари жаҳон ҳамжамияти эътиборини тортаётганини таъкидлади.

Унинг фикрича, китоб Хитой ва “ШҲТ оиласи”нинг бошқа мамлакатларида кенг акс садо беради, Ўзбекистондаги ўзгаришларни тушунишни кенгайтиради ва ҳамкорликка қўшимча суръат бағишлайди. Унда баён этилган ёндашувлар ШҲТ доирасидаги ҳамкорликнинг асосини ташкил этувчи ўзаро ишонч, тенг ҳуқуқлилик, маданий хилма-хилликни ҳурмат қилиш ва биргаликда ривожланиш тамойилларига ҳамоҳангдир.

Хитой ижтимоий фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти директори ўринбосари Пан Дапеннинг эътироф этишича, Президент Шавкат Мирзиёевнинг китоби янги Ўзбекистонни барпо этишнинг асосий босқичларини изчил акс эттиради ҳамда ички ва ташқи стратегияни уйғунликда кўриб чиқиш имконини беради. Унда мамлакатдаги кенг қамровли ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, янги Ўзбекистон замонавий миллий тараққиётининг асосий тамойиллари кенг очиб берилган.

“Дунё” АА
Пекин шаҳри





БУХОРО ЮНЕСКО ИЖОДИЙ ШАҲАРЛАР ТАРМОҒИ КОНФЕРЕНЦИЯСИГА МЕЗБОНЛИК ҚИЛАДИ

Бухоро шаҳри 2027 йилда ЮНЕСКОнинг Ижодий шаҳарлар тармоғи 19-йиллик конференциясини қабул қилади.

ЮНЕСКО Ўзбекистоннинг қадимий шаҳрини мазкур муҳим халқаро тадбирни ўтказиш жойи деб расман эълон қилди. Конференцияни Бухорода ўтказиш ташаббуси Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2025 йил октябрь ойида Самарқандда бўлиб ўтган ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси очилишида илгари сурилган эди.

Ушбу қарор Ўзбекистонда маданият, креатив саноат ва барқарор шаҳарсозликни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар халқаро миқёсда эътироф этилганининг яққол намунасидир. Бухоро Марказий Осиё, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ва Туркий давлатлар ташкилоти маконида ЮНЕСКОнинг ушбу нуфузли конференциясига мезбонлик қиладиган илк шаҳар бўлади.

Ижодий саноат йўналишларини ривожлантириш, маданий меросни асраб-авайлаш ва ундан замонавий шароитда фойдаланиш, ёшлар ҳамда ижодий касб эгаларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, маданиятнинг БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишдаги ҳиссасини ошириш масалалари форумнинг асосий мавзулари сифатида белгиланган.

Мазкур тадбир Ўзбекистоннинг сайёҳлик ва маданий салоҳиятини янада кенг тарғиб қилиш, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда маданият ва креатив иқтисодиёт соҳасига янги ҳамкорлар ва инвестицияларни жалб этиш учун қўшимча имкониятлар яратади.

Бухоро 1993 йилда ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган. 2023 йилда эса шаҳар “Ҳунармандчилик ва халқ ижодиёти” йўналиши бўйича Ижодий шаҳарлар тармоғига қўшилиб, анъанавий ҳунармандчилик ва маданий алмашинувнинг етакчи марказларидан бири эканини яна бир бор тасдиқлади.

2004 йилда ташкил этилган ЮНЕСКО Ижодий шаҳарлар тармоғи 110 дан ортиқ мамлакатдан 408 шаҳарни бирлаштиради. Йиллик конференция тармоқнинг асосий тадбири бўлиб, у аъзо шаҳарлар вакилларини тажриба алмашиш, ижодий индустриялар тараққиётини муҳокама қилиш ва халқаро шерикликни мустаҳкамлашга қаратилган.

“Дунё” АА
Париж шаҳри

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Бугун Ўзбекистон деганда, кўпчиликнинг кўз ўнгига янги технологиялар, замонавий университетлар, катта имкониятлар ва ишончли ҳамкор келяпти. Бу Президентимиз олиб бораётган сиёсатнинг ёрқин натижасидир. АҚШ Ўзбекистонда нафақат жозибадор бозорни, балки узоқ муддатли ва ишончли шерикни ҳам кўряпти.

ДАВР НАФАСИ

3

2026 йил 3 ноябрь, 227-сон

МАРКАЗИЙ ОСИЁ “КАТТА ЎЙИН” ОБЪЕКТИ ЭМАС

Содиқ Сафоев Самарқанд учрашувлари, Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари ва минтақанинг янги мавқеи ҳақида

Бошланиши 1-бетда

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев Марко Рубио билан учрашувда “Бугун биз янги тарих саҳифасини очяпмиз, янги тарих яратяпмиз”, деди. Шу маънода, ушбу ташрифнинг айнан ҳозир амалга оширилишига сабаб бўлган омиллар ва ундан кўзланган мақсадлар нималардан иборат деб ўйлайсиз?

— Марко Рубио Регистон майдонида маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида бу саволга жавоб бўладиган муҳим бир фикрни алоҳида таъкидлаб ўтди: “Сўнгги йигирма йилда америкалик сиёсатчилар Марказий Осиёга муносиб даражада эътибор қаратмади. Энди бу вазиятни ўзгартиришимиз керак”. Менимча, ташрифнинг айнан ҳозир ўтказилишига икки асосий омил сабаб бўлди.

Биринчидан, Марказий Осиё, аввало, минтақанинг юраги бўлган Ўзбекистон ўзгарди. Ҳамкорлик бир-бирини тушуниш, қарашлар ва манфаатлар уйғунлигига таянади. Масалан, сиз гапи гапингизга қовушадиган, сизнинг дунёқарашингизга яқин бўлган одам билан ҳамкорлик қиласиз, албатта. Давлатлар ҳам шундай. Қадриятлар ишончни, ишонч эса ҳамкорликни мустаҳкамлайди.

Тан олиш керак, 2016 йилгача мамлакатимиздаги сиёсий ва иқтисодий тизим ташқи ҳамкорликка унчалик очиқ эмас эди. Валюта конвертацияси билан боғлиқ муаммоларни кўпчилик яхши эслайди. Ҳадиксираш, ишончсизлик ва эскича иқтисодий ёндашувлар устун эди. Ҳатто айрим мутасаддиларимиз хорижликлар билан мулоқотда “Бизга инвестиция керак эмас, иқтисодиётимизни ўзимиз ривожлантира оламиз”, деган қарашни илгари сурарди.

Ўша йиллари америкалик ишбилармонлардан нега Ўзбекистонга дадил кириб келмаётганини сўрасак, улар иқтисодиёт, қонунчилик ва давлат бошқарувидаги ёпиқликни асосий тўсиқ сифатида кўрсатардилар. Бугун бу муаммоларнинг барчаси Президентимиз бошчилигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли ўз ечимини топди.

Илгари ҳатто қўшни давлатлар билан ҳам очиқ сиёсат олиб бормаганимиз туфайли Марказий Осиёда парокандалик, бир-бирига рақобат кўзи билан қараш кайфияти кучайган эди. Минтақа манфаатлари ва келажаги муштарак ягона макон сифатида қабул қилинмасди. 2017 йилдан бошлаб муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси ва ташаббуслари шарофати билан вазият тубдан ўзгарди. Бугун сиёсатчилар “Марказий Осиё руҳи” деган иборани бежиз тез-тез тилга олмаяпти.

Иккинчидан, Америка Қўшма Штатларининг ёндашуви ҳам ўзгарди. Ҳозирги маъмурият мафкуравий масалалардан кўра, давлатларни иқтисодий манфаатлар орқали яқинлаштиришга кўпроқ урғу бермоқда. Бу бизнинг манфаатларимизга ҳам мос. Марко Рубио буни очиқ ифодалаб, АҚШ Марказий Осиё давлатлари, биринчи навбатда, Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканини айтди.

— Содиқ Солиҳович, сўзларингиздан келиб чиқиб, яна бир муҳим жиҳатга тўхталсак. Муҳтарам Президентимизнинг йиллар давомидаги саъй-ҳаракатлари туфайли Марказий Осиё бугун жипс ва ишончли минтақа, халқаро майдонда эса ягона сиёсий субъект сифатида намоён бўлмоқда. Сиз бу жараённи қандай баҳолайсиз?

— Тўғри таъкидладингиз. Бугунги Марказий Осиё ҳақиқатан бирлашяпти. С5+1 форматининг ўзи ҳам бунинг ёрқин далили. Бу ерда “С5” — Марказий Осиёнинг беш давлати, “+1” эса йирик халқаро шерикни англатади. Бир йил ичида шундай еттита юқори даражадаги мулоқот ўтказилди. Самарқандда Европа Иттифоқи билан бошланган учрашувлар Россия, Хитой, Италия, Япония ва Жанубий Корея билан давом этди. АҚШ билан мулоқот эса Вашингтонда, Оқ уйда Президентлар даражасида бўлиб ўтди.

Шу ўринда табиий савол туғилади. Нега илгари Марказий Осиёга четда қолган минтақа сифатида қаралар, унинг аҳамияти асосан Афғонистон, Россия ёки Хитойга яқинлиги билан ўлчанар эди-ю, бугун у жаҳон сиёсатининг диққат марказига чиқди? Аввало, олдин минтақада стратегик мавҳумлик бор эди. “Эртага нима бўлади?” деган саволга аниқ жавоб йўқ эди. 2017 йилдан бошлаб Ўзбекистон раҳбарияти олиб борган сиёсат натижасида бу муҳит ўзгарди. Бугун Марказий Осиё — ўз йўналишини аниқ англаётган, тобора жипслашаётган ва йирик умумий бозор сифатида шаклланаётган минтақа. Бу хорижий инвесторлар учун яхши сигнал. Улар алоҳида бир давлат билан чекланиб қолмай, қарийб 100 миллион аҳолига эга катта бозорга кириш имкониятини кўряпти.

АҚШ, Европа Иттифоқи, Япония, Хитой, Жанубий Корея ва Россия минтақадаги қоида ҳамда тамойиллар жаҳон андозаларига тобора яқинлашаётганини кузатяпти. Чунки ёндашувлар ўзаро мос келмаса, узоқ муддатли ва чуқур ҳамкорликни йўлга қўйиш қийин.

Яна бир муҳим омил — табиий бойликлар ва хомашё манбалари. Литий, рух, уран ва мис каби стратегик минералларсиз сунъий интеллект, яримўтказгичлар ва нанотехнологиялар билан боғлиқ замонавий ишлаб чиқаришни ривожлантириб бўлмайди. Шу маънода, Марказий Осиё йирик иқтисодиётларга таъминот манбаларини диверсификация қилиш, битта бозорга қарамликни камайтириш имконини беради.

— Самарқандда эришилган иқтисодий келишувлар Ўзбекистонга қандай наф келтиради?

— Президент Шавкат Мирзиёев ташқи сиёсий доктринасининг энг муҳим ва натижадор йўналиши Марказий Осиё бўлса, унинг яна бир кучли жиҳати иқтисодий дипломатиядир. Сўнгги ўн йилда Ўзбекистон ташқи сиёсатида иқтисодий манфаатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Самарқанддаги тадбирлар навбатдаги расмий учрашув сифатида изсиз ўтиб кетиши ҳам мумкин эди. Аммо Президентимизнинг сиёсий иродаси ва қатъий позицияси туфайли уларнинг мазмун-моҳияти бутунлай ўзгарди. Марко Рубио билан бирга АҚШнинг 200 та нуфузли компанияси вакиллари келди. Улар орасида сунъий интеллект, нанотехнологиялар ва молия соҳасида жаҳон иқтисодиёти ривожига таъсир кўрсатаётган йирик компаниялар бор. Шулардан энг йирик 12 тасини олсак, умумий капитализацияси, яъни қиймати 12 триллион долларни ташкил қилади. Бу — ниҳоятда катта рақам. Тасаввур қилинг, Европанинг энг йирик давлатларининг йиллик ялпи маҳсулоти бундан бир неча бор камроқ.

Энг муҳими, улар билан мулоқотда 200 та ўзбек компанияси раҳбарлари ҳам иштирок этди. Илгари бундай тадбирларда асосан вазирлик, идора ва уюшмалар мутасаддилари қатнашарди. Амалдор билан тадбиркорнинг тили эса ҳар доим ҳам бир-бирига мос келавермайди. Бу сафар ўзбекистонлик ишбилармонлар аниқ таклиф, бизнес-режа ва ғоялари билан тенгма-тенг мулоқот қилди. Бу ҳам мамлакатимизда юз берган ўзгаришларнинг амалий ифодасидир.

Айримлар “АҚШ компаниялари биздан фақат ўз манфаати учун фойдаланади”, деган фикрни билдиряпти. Албатта, бизнес манфаатсиз ишламайди. Аммо Ўзбекистон ҳам бу мулоқотни ўз миллий манфаатларидан келиб чиқиб олиб боряпти. Бир йилда икки томонлама савдо ҳажми 30-34 фоизга, Ўзбекистоннинг АҚШга экспорти эса 60 фоизга ошди. Муҳими, экспортимизнинг катта қисмини пахта, металл ёки бошқа хомашё эмас, ахборот технологиялари хизматлари ташкил этяпти. Бу келажакда бизга катта самара беради.



> **Илгари ҳатто қўшни давлатлар билан ҳам очиқ сиёсат олиб бормаганимиз туфайли Марказий Осиёда парокандалик, бир-бирига рақобат кўзи билан қараш кайфияти кучайган эди. Минтақа манфаатлари ва келажаги муштарак ягона макон сифатида қабул қилинмасди. 2017 йилдан бошлаб муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси ва ташаббуслари шарофати билан вазият тубдан ўзгарди. Бугун сиёсатчилар “Марказий Осиё руҳи” деган иборани бежиз тез-тез тилга олмаяпти.**

— Ушбу компаниялар билан музокаралардан қандай аниқ натижалар кутиляпти?

— Самарқандда ҳар икки томон манфаатига мос аниқ келишувларга эришилди. 200 та Америка ва 200 та Ўзбекистон компанияси ўртасида тўғридан тўғри мулоқот бўлиб ўтди. Натижада умумий қиймати қарийб 12 миллиард долларга тенг бўлган 54 та келишув ва истиқболли ташаббуслар тўплами шакллантирилди, тўғридан тўғри инвестициялар жамғармаси ташкил этилди.

27 октябрда Ўзбекистонда Google Pay ва Apple Pay тўлов хизматлари ишга туширилди. GE Aerospace билан авиация технологиялари соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича келишувга эришилди. Boeing компаниясидан 22 та замонавий самолёт, жумладан, Dreamliner харид қилиш режалаштирилди. Бир қарашда, самолёт хариди оддий тижорий келишувдек туюлиши мумкин. Аслида, ҳар бир янги самолёт ортида янги иш ўринлари, қўшимча авиайўналишлар ва туризм имкониятлари туради. Бугун мамлакатимиз ривожини чеклаб турган омиллардан бири маҳаллий ва халқаро авиақатновлар сони миллиард долларга, аҳоли жон бошига даромадни эса 10 минг долларга етказиш мақсад қилинган.

Бунинг учта муҳим омили бор. Биринчиси — сиёсий ислоҳотлар билан уйғун ҳолда иқтисодиётни либераллаштириш ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиш. Иккинчиси — хусусийлаштириш, давлат тасарруфидаги корхоналарда хусусий сектор иштирокини кенгайтириш. Учинчиси — хорижий инвестициялар.

2016 йилда Ўзбекистонга йилига қарийб 2 миллиард доллар инвестиция киритилган бўлса, бугун бу рақам 35-40 миллиард долларга етмоқда. Албатта, инвестор фойда олиш учун келади. Бироқ у ўзи билан янги технология, иш ўринлари, бошқарув тажрибаси ва янги бозорларни ҳам олиб киради.

Самарқанддаги йиғилишда Boeing, General Electric ва BlackRock каби йирик компаниялар иштирок этди. Буни, ҳеч муболағасиз, жаҳон бизнеси етакчиларининг ўзига хос паради дейиш мумкин. Халқимизда “Буларни туя сўйиб чақирсанг ҳам келмайди” деган гап бор. Бу компаниялар ҳукумат топшириғи билан эмас, аниқ иқтисодий манфаат ва истиқболни кўргани учун келди.

> **Президентимиз Марко Рубиога “Буюк хизматлари учун” орденини топширганида унинг ҳаяжони юз-кўзидан сезилиб турди. Давлат котиби “Мен бу орденни тақиб, Оқ уйга кираман”, деди фахр билан. Бу сўзларда Ўзбекистон раҳбарига, давлатимиз ва халқимизга нисбатан самимий муносабат ифодаланди.**

камлигидир. Йўналишлар кўпайса, сайёҳлик индустриясига ҳам, аҳолига ҳам наф келади. Самарқанд, Бухоро ва Хивада туризм ривожи маҳаллий иқтисодиётга қандай таъсир кўрсатаётганини барчамиз кўриб турибмиз. Қолаверса, бу билан Ўзбекистон дунёга янада очилади.

Энергетика соҳасида кичик модулли реакторлар ва электр тармоқларини модернизация қилиш бўйича ҳам келишувларга эришилди. Энергетика — иқтисодиётнинг асосий таянчларидан бири. Иқтисодий ўсиш қўшимча энергия қувватларини талаб қилади.

Замонавий иқтисодиёт сунъий интеллект ва ахборот технологияларига таянади. Уларнинг асосида эса маълумотларни қайта ишлаш марказлари туради. Ҳозир Ўзбекистонда яна иккита шундай марказ қурилмоқда. Битта йирик маълумотлар маркази жуда катта миқдорда электр энергияси истеъмол қилади. Агар мамлакатимизни ахборот технологиялари марказига айлантирмоқчи бўлсак, янги энергетик қувватлар яратишимиз шарт. АҚШнинг юқори технологияли компаниялари билан мулоқотлар ана шу имкониятни кенгайтиради.

Президентимиз Америка — Ўзбекистон ишбилармонлик ва инвестициялар кенгаши йиғилишида Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги хомашё эмас, инсон капитали — ёш, истеъдодли ва малакали мутахассислар эканини алоҳида таъкидлади. Шу боис, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малака ошириш бўйича ҳам қатор келишувларга эришилди.

Далладаги Техас университети билан ҳамкорликда Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Муҳандислик физикаси институти қошида Квант маркази ташкил этилган ва у бугун самарали фаолият юритмоқда. Colorado School of Mines — Колорадо кончилик мактаби билан геология ва тоғ-кон саноати учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш, миллий мутахассислар малакасини ошириш бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда.

Яна бир қувонарли жиҳат шуки, АҚШ инвестициялари Ўзбекистонга кириб келиши билан бирга мамлакатимиз тадбиркорлари ҳам Америка иқтисодиётига сармоя киритмоқда. Масалан, AKFA Group Кентукки штатининг Боулинг-Грин шаҳрида йирик корхона қурмоқда. Корхона ишга тушгач, маҳсулотлар Шимолий, Марказий ва Жанубий Америка бозорларига экспорт қилинади. Олинган даромад Ўзбекистонда янги ишлаб чиқаришлар ва иш ўринлари яратишга хизмат қилиши мумкин. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизнинг ишбилармонлик нуфузини ҳам оширади.

Президентимиз муҳим минералларни қазиб олиш билан чекланмасдан, уларни чуқур қайта ишлаш ва юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш зарурлигини таъкидлади. Замонавий энергетика, маълумотларни қайта ишлаш марказлари, саноат, қишлоқ хўжалиги, таълим ва давлат бошқарувига сунъий интеллект ҳамда рақамли ечимларни жорий этиш ҳам истиқболли йўналишлар сифатида белгиланди. Ўзбекистон саноати ривожланган давлатларга фақат хомашё етказиб берувчи мамлакат бўлиб қолмаслиги, қўшимча қиймат, аввало, ўзимизда яратилиши зарур.

— Марказий Осиё йирик давлатлар манфаатлари кесишадиган ҳудудда жойлашган. Айрим экспертлар АҚШнинг минтақага қизиқишини янги “Катта ўйин”нинг бир қисми сифатида баҳоламоқда. Геосиёсий рақобат кучайган бир пайтда Ўзбекистон қандай йўл тутиши керак?

— Самарқанд анжуманларига турлича баҳо берилаётгани табиий. Чунки Ўзбекистон савияси, кўлами ва натижалари жиҳатидан ҳар қандай давлат ҳам ўтказа олмайдиган йирик тадбирга мезбонлик қилди.

“Марказий Осиё атрофида янги “Катта ўйин” бошландими?” деган савол ҳам янграяпти. Тарихдаги “Катта ўйин” Россия ва Буюк Британия империяларининг Марказий Осиёда ҳукмронлик ўрнатиш учун олиб борган узоқ рақобатини англатар эди. Бугунги жараён у даврдаги классик “Катта ўйин”дан кескин фарқ қилади.

Биринчидан, ўша пайтда асосий ўйинчилар иккита эди. Бугун эса улар анча кўп. Бир йил ичида еттита йирик шерик Марказий Осиё давлатлари билан С5+1 шаклида мулоқот ўтказди. Бу улар минтақадан нимадир кутаётганини, бу ерда ҳамкорликка ундайдиган салоҳият ва имконият борлигини кўрсатади.

Иккинчидан, илгари Марказий Осиё “Катта ўйин”нинг объекти эди. Минтақа ўйин қоидалари ёки воқеалар ривожига таъсир кўрсата олмасди. Бугун эса Марказий Осиё, айниқса, Ўзбекистон жараёнларнинг объекти эмас, тенг ҳуқуқли иштирокчисига айланмоқда. Самарқанд мулоқотлари буни яна бир бор кўрсатди.

Йирик кучлар ўртасидаги рақобатни миллий тараққиёт учун имкониятга айлантириш керак. Бунинг учун Ўзбекистон ўз манфаатига энг мос, узоқ муддатли фойда келтирадиган таклифларни танлаши зарур.

— Марко Рубио ўз нутқида муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев амалга ошираётган ислоҳотларга юксак баҳо берди. Америка томонининг бундай эътирофи замирида нима бор?

— Марко Рубио кўп йил сенатор бўлган, қарашлари қатъий сиёсатчи. Менимча, у тасодифий сўз айтмайди. Президентимизга юзланиб, “Сиз ўз мамлакатингизни дунёга очдингиз ва айни пайтда дунёни Ўзбекистон учун очдингиз”, деди. Бу сўзлар замирида катта маъно бор. Улар, аввало, Янги Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини ифодалайди.

Илгари АҚШда Ўзбекистон ҳақида гап кетганда, кўпинча муаммоли мавзулар тилга олинарди. “Жаслиқ”, радикал гуруҳларга қўшилган айрим ватандошларимиз ёки хорижда оғир ва кам ҳақ тўланадиган ишларда меҳнат қилаётган мигрантларимиз ҳақида сўз борарди.

Бугун Ўзбекистон деганда, кўпчиликнинг кўз ўнгига янги технологиялар, замонавий университетлар, катта имкониятлар ва ишончли ҳамкор келяпти. Бу Президентимиз олиб бораётган сиёсатнинг ёрқин натижасидир. АҚШ Ўзбекистонда нафақат жозибадор бозорни, балки узоқ муддатли ва ишончли шерикни ҳам кўряпти.

— Марко Рубио ислоҳотлар билан бирга Президент Шавкат Мирзиёев жамоасининг меҳнатини ҳам эътироф этди. Ташрифга катта тайёргарлик кўрилгани ва ҳар бир жиҳат пухта ўйлангани сезилиб турди.

— Дарҳақиқат, Америка — Ўзбекистон ишбилармонлик ва инвестициялар кенгаши йиғилиши жуда кенг кўламли тадбир бўлди. Америкалик компаниялар раҳбарлари Самарқанд анжуманининг икки жиҳатини алоҳида эътироф этдилар.

Биринчиси — тадбир юқори савияда ташкил этилгани, барча ташкилий масалалар жаҳон андозалари даражасида ҳал қилингани. Бу Самарқанд дунё миқёсидаги халқаро анжуманлар марказига айланаётганини кўрсатди.

Иккинчиси — Ўзбекистон Президенти билан мулоқотда аввалги ва кейинги учрашувлар ўртасида узвийлик борлиги. Олдин белгиланган режаларнинг ижроси, эришилган натижалар ва навбатдаги учрашувгача бажариладиган вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

Бу америкалик ҳамкорларда гап узоқ муддатли стратегик сиёсат тўғрисида кетаётганига ишонч уйғотди. Айрим компания раҳбарлари “Ўзбекистон билан нафақат ўзимиз ишлаймиз, балки Америкадаги ҳамкорларимизни ҳам олиб келамиз”, деб айтди.

Марко Рубио ҳам ўз нутқида Америка томонидан Сержио Горнинг, Ўзбекистон томонидан эса Президент Администрацияси раҳбари Саида Мирзиёеванинг саъй-ҳаракатларини юқори баҳолади.

Айни пайтда америкалик сармоядорлар учун тушунарли ва олдиндан башорат қилиш мумкин бўлган шароитлар яратилмоқда. Ўзбекистонга келган инвестор маъмурий тартиб-таомилларга ортиқча вақт сарфламасдан, бизнесини тез бошлаш имконига эга бўлиши керак. Шу мақсадда “Plug and Play” тамойилига асосланган янги ёндашув жорий этилмоқда. Инвесторларга ер майдони, инфратузилмаси ва рухсат ҳужжатлари тайёр бўлган лойиҳалар таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари Саида Мирзиёеванинг нутқига Давлат котиби Марко Рубио ва америкалик ҳамкорларимиз жуда катта баҳо берганини алоҳида таъкидлашни истар эдим. Чунки унда тадбиркорлар учун тушунарли бўлган иборалар, тушунчалар ва атамалардан фойдаланилган эди. Шакл нуқтаи назаридан ҳам нутқ қисқа, мухтасар, шу билан бирга, кучли таъсирга эга бўлди ва тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Самарқанддаги сиёсий ва иқтисодий мулоқотларнинг асосий хулосаси шуки, АҚШ Янги Ўзбекистонни, унинг раҳбари олиб бораётган сиёсатни ва мамлакатимизнинг тобора юксалиб бораётган мавқеини эътироф этди. Минтақавий ва глобал масалалар бўйича мулоқот энди фақат бир томон манфаатидан келиб чиқиб эмас, Ўзбекистон манфаатларини ҳам ҳурмат қилган ҳолда олиб борилмоқда.

Президентимиз Марко Рубиога “Буюк хизматлари учун” орденини топширганида унинг ҳаяжони юз-кўзидан сезилиб турди. Давлат котиби “Мен бу орденни тақиб, Оқ уйга кираман”, деди фахр билан. Бу сўзларда Ўзбекистон раҳбарига, давлатимиз ва халқимизга нисбатан самимий муносабат ифодаланди.

Суҳбатимиз якунида яна бир фикрни таъкидламоқчиман. Ўзбекистон минтақавий миқёсдаги йирик давлатга айланмоқда. Самарқанддаги учрашувлар буни яна бир бор яққол намоён этди.

— Катта раҳмат, Содиқ Солиҳович. Самарқанд учрашувларининг тафсилотлари ва натижалари ҳали кўп таҳлил қилинади. Энг муҳими, бу жараён Президентимизнинг узоқ йиллик саъй-ҳаракатлари самараси бўлиб, унинг натижалари нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё халқлари манфаатига хизмат қилади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, Олий Мажлис Сенати аъзоси Ҳусан ЭРМАТОВ суҳбатлашди.

Биринчи D — Data, яъни маълумот. Минтақавий ҳамкорликни режалаштириш учун ҳар бир ҳудудда етиштириладиган маҳсулот ҳажми, сув танқислигининг ўзгариши, навларнинг тупроқ ва иқлимга мослиги ҳақида ишончли маълумот керак. Аҳолининг озиқланиш эҳтиёжи, бозорлар ўртасидаги нарх фарқи, фермер харажати ва даромади шу манзаранинг бир қисмидир.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news



МИНТАҚАВИЙ ОЗИҚ-ОВҚАТ САВАТИ: БИР-БИРИНИ ТЎЛДИРАДИГАН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Таҳлил



Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,
қишлоқ хўжалиги вазири,
академик

Бошланиши 1-бетда

Ана шу яқинликни ишлаб чиқариш, илм-фан, логистика ва бозорни бирлаштирадиган устунликка айлантириш мумкин. Бунинг учун ҳар бир мамлакатнинг алоҳида имконияти умумий занжирда ўз ўрнини топиши керак.

Шу мақсадда Central Asian Food Systems Compact, яъни Марказий Осиё озиқ-овқат тизимлари бўйича минтақавий ҳамкорлик дастури таклиф этилди. Унинг амалий асосини еттита D ташкил қилади: Data, Diversification, Design, Doable, Discipline, Durable ва Dignity. Ўзбекча мазмунда булар маълумот, диверсификация, тизимни тўғри лойиҳалаш, амалда ишлайдиган ечим, интизом, давомийлик ва инсон қадрини англатади. Муҳими, бу тамойиллар бир-бирини тўлдириб ишлаши лозим.

Форум иштирокчилари билан муҳокамамаларда ёндашув қизиқиш уйғотди. Унинг мантиғини денгизга чиқиши чегараланган бошқа давлатлар ва Глобал Жануб мамлакатларига ҳам маҳаллий шароитни ҳисобга олган ҳолда мослаштириш имконияти муҳокама қилинди. Демак, Марказий Осиёда бошланадиган амалий ҳамкорлик кенгроқ тажриба алмашинуви учун ҳам асос бўлиши мумкин.

Етти рақами бу ташаббусда давомийлик рамзидир. Ҳафта етти кундан иборат бўлгани каби озиқ-овқат хавфсизлигига эътибор ҳам ҳафтадан ҳафтага, мавсумдан мавсумга ва авлоддан авлодга узилмаслиги керак. Бу одамларни дам олишсиз ишлатишга чақириқ эмас. Гап аҳоли таъминоти, илмий кузатув ва хизматларни барқарор йўлга қўядиган ишончли муассасалар, узоқ муддат амал қиладиган келишувлар ва бошланган ишни охирига етказиш масъулияти ҳақида бормоқда.

D ҳарфи етти тамойилнинг бош ҳарфидир. Биз унга инглизчадаги “depend on one another” — “бир-биримизга таянамиз” деган рамзий маънони ҳам юклаймиз. Мамлакатларимиз мустақил, озиқ-овқат тизимларимиз эса ўзаро боғлиқ. Бир ҳудуддаги сув, энергия, ҳосил ёки транспорт масаласи қўшни ҳудуддаги фермер ва истеъмолчи ҳаётига ҳам таъсир қилади. Бу боғлиқлик ўзаро масъулиятни талаб этади.

Марказий Осиёда бунинг ҳаётий асоси бор. Сув режими энергия ишлаб чиқариш, суғориш ва ҳосилга, транспортдаги кечикиш эса фермер даромади ва бозор нархига таъсир қилади. Шунинг учун ҳамкорликда вазифалар, харажат ва фойда тақсимоти ҳамда натижани ўлчаш мезонлари олдиндан келишиб олиниши зарур. Етти тамойил ана шу боғлиқликни ҳар бир томоннинг аниқ мажбурияти ва манфаатига айлантиришга хизмат қилади.

Яхлит механизм ва иқтисодий қиймат

Марказий Осиё мамлакатларининг табиий шароити, ишлаб чиқариш имконияти ва аграр тажрибаси турлича. Умумий озиқ-овқат саватининг кучи ҳам шу хилма-хилликда. Бир мамлакатдаги билим, ресурс ёки маҳсулот қўшни давлатнинг эҳтиёжи билан учрашганда, алоҳида имкониятлар ўзаро манфаатли ҳамкорликка айланади.

Қозоғистон улкан ғалла майдонлари, мойли экинлар, чорвачилик ва транзит салоҳиятига эга. Қирғизистон тоғ яйловлари, чорвачилик, сув ресурслари ва кичик фермер хўжаликлари билан ажралиб туради. Тожикистон тоғ деҳқончилиги, боғдорчилик ва сув манбаларини бошқариш тажрибасига эга. Туркманистон қуруқ иқлимда деҳқончилик юритиш, чорвачилик ва транзит имкониятларига таянади. Ўзбекистон эса интенсив деҳқончилик, пахтачилик, мева-сабзавотчилик, илм-фан, қайта ишлаш ва аҳоли зич жойлашган катта бозорни бирлаштиради.

Бу имкониятлар бир тизимга боғлангандагина умумий озиқ-овқат савати шаклланади. Бир мамлакатда яратилган уруғ ёки технология бошқа мамлакат фермерига етиб бориши, илмий натижа далада синовдан ўтиши, маҳсулот сақлаш ва совитиш тизимига уланиши зарур. Кейин у чегарадан ортиқча тўсиқларсиз ўтиб, истеъмолчига сифатли ҳолда етиши керак. Фермер меҳнатининг қиймати шу йўлнинг охиригача сақланиши муҳим.

Шунинг учун қуруқлик орқали боғланганлик автомобиль ва темир йўллар билан бирга умумий стандартлар, фитосанитария ва ветеринария хавфсизлиги, сув ва иқлим маълумотлари, илм-фан, рақамли кузатув, молия, совитиш занжири ва қайта ишлашни ҳам қамраб олади. Йўл маҳсулотни олиб ўтади, ишончли тизим эса унинг сифати ва иқтисодий қийматини сақлайди. Географияк яқинлик ана шундай ҳамкорлик орқали амалий устунликка айланади.

Биринчи D — Data, яъни маълумот. Минтақавий ҳамкорликни режалаштириш учун ҳар бир ҳудудда етиштириладиган маҳсулот ҳажми, сув танқислигининг ўзгариши, навларнинг тупроқ ва иқлимга мослиги ҳақида ишончли маълумот керак. Аҳолининг озиқланиш эҳтиёжи, бозорлар ўртасидаги нарх фарқи, фермер харажати ва даромади шу манзаранинг бир қисмидир. Масалан, ҳосил мўл бўлган ҳудудни билиш билан бирга уни қаерда сақлаш ва қайси бозорга етказишни ҳам ҳисоблаш лозим.

Шу эҳтиёждан келиб чиқиб, минтақавий Озиқ-овқат савати обсерваториясини ташкил этиш таклиф қилинди. У ишлаб чиқариш, сув, тупроқ, озиқланиш, савдо, логистика ва фермер иқтисодиёти бўйича таққосланадиган маълумотларни бирлаштириши мумкин. Бундай таҳлил инвестицияни эҳтиёж бор жойга йўналтириш, хавфни эртароқ кўриш ва ҳамкорлик натижасини баҳолашга ёрдам беради. Blue Nutrition йўналишида балиқ ва бошқа денгиз маҳсулотларининг озиқавий таркиби, ҳамёнбоплиги ва аҳолига қай даражада етиб бораётганини ҳам ўрганиш зарур.

Хилма-хиллик барқарорлик демакдир

Иккинчи D — Diversification, яъни диверсификация. Бу ёндашув экинлар билан бирга навлар, технологиялар, маҳсулотлар, бозорлар, молия манбалари ва ҳамкорлар доирасини кенгайтиришни англатади. Бир йўналишда қийинчилик туғилганда бошқа имкониятлар ишлаб туриши фермер учун ҳам, минтақа учун ҳам муҳим. Шу боис, хилма-хиллик озиқ-овқат тизими барқарорлигига хизмат қилади.

Бунинг энг оддий ифодаси оила дастурхонида кўринади. Ғалла озиқ-овқат хавфсизлигининг асоси бўлиб қолади, тўлақонли озиқланиш эса мева, сабзавот, дуккаклилар, картошка, гўшт, сут, тухум ва балиқ маҳсулотларини ҳам талаб этади. Ишлаб чиқаришдаги хилма-хиллик аҳолининг соғлом озиқланиши ва қишлоқдаги даромад манбалари билан боғланиши керак.

Шу нуқтада Blue Nutrition, яъни балиқ ва бошқа денгиз маҳсулотлари орқали аҳолининг озиқланишини яхшилаш концепцияси муҳим аҳамият касб этади. Марказий Осиёда денгиз маҳсулотларини дастурхонга мунтазам етказиш имконияти чекланган. Очиқ денгиз ва океанларга бевосита чиқиш йўли йўқлиги уларни ташиш, совитиш ва сақлашни қийинлаштиради. Шу боис, бу масалани мамлакатларимиз биргаликда ҳал этиши зарур.

Айни пайтда ўзимизда етиштириладиган балиқнинг озиқавий қийматини ҳам чуқурроқ ўрганишимиз керак. Чучук сув ва денгиз балиқларида йод, омега-3 ёғ кислоталари ва бошқа озиқ моддалар миқдори бир хил эмас. У балиқ тури, озуқаси ва етиштириш шароитига қараб ўзгаради. Демак, аҳолининг озиқланиш эҳтиёжини қондиришда балиқ етиштириш ҳажми билан бирга унинг таркиби ва дастурхондаги маҳсулотлар хилма-хиллигига ҳам эътибор қаратиш лозим.

Бунинг учун икки йўналишни уйғун юргизишимиз зарур. Бир томондан, Марказий Осиёда сув омборлари, дарёлар, каналлар ва хўжалик ҳавзаларининг балиқчилик имкониятларидан сув ресурслари ва экотизимларни асраган ҳолда фойдаланишимиз керак. Иккинчи томондан, денгиз ва океанбўйи давлатлари билан Blue Nutrition бўйича қўшма дастурларни кенгайтиришимиз лозим. Бундай ҳамкорлик илмий тажриба ва технология алмашиш, маҳсулотларнинг озиқавий таркибини ўрганиш ҳамда денгиз маҳсулотларини хавфсиз ва ҳамёнбоп етказиб беришни қамраб олиши мумкин. Балиқчилик деҳқончилик, озуқа ишлаб чиқариш, совитиш, ветеринария, биохавфсизлик ва бозор билан боғланса, аҳолининг оқсил ва бошқа зарур озиқ моддаларга бой маҳсулотлардан фойдаланиш имконияти кенгаяди. Blue Nutrition шу тариқа мамлакатларимизни умумий озиқланиш мақсадлари атрофида бирлаштириб, минтақавий ҳамкорликни денгизбўйи ҳамкорлар билан боғлайди.


Картошкачиликда ҳам шу мантиқ ишлайди. Майдонни кенгайтириш билан бирга соғлом уруғ, маҳаллий уруғчилик, навни ҳудудга мос жойлаштириш, сув ва озиқлантириш, касалликлар назорати, сақлаш ва қайта ишлашни уйғунлаштириш зарур. Далада яхши ҳосил олиниб, сақлашда унинг сифати йўқолса, фермер кутган даромадга эриша олмайди.

Учинчи D — Design, яъни тизимни тўғри лойиҳалаш. Яхши ғояни амалга ошириш учун унинг атрофидаги ишлар ҳам пухта ташкил қилиниши лозим. Илмий натижани синайдиган ташкилот, фермер хавфини камайтириш чоралари, маҳсулотни оладиган харидор, молиялаштириш муддати ва натижани баҳолаш мезонлари бошиданоқ белгиланиши керак. Шунда олимнинг иши фермер, банк ва бозор имкониятлари билан ўз вақтида туташади.

Central Asian Food Systems Compact ана шу боғланишни ташкил этишга қаратилган. У мавжуд миллий ва минтақавий институтларни аниқ вазифалар атрофида бирлаштирадиган ихчам ҳамкорлик платформаси бўлиши лозим. Катта янги бюрократик тузилма яратишдан кўра, мавжуд имкониятларни бир мақсадга ишлатиш муҳим.

Фермер хўжалигида ишлайдиган ечим

Тўртинчи D — Doable, яъни амалда бажариш мумкин бўлган ечим. Қишлоқ хўжалигида илмий янгиликнинг йўли мақола ёки лаборатория натижаси билан тугамайди. У



маҳаллий далада, фермернинг меҳнати ва маблағи билан, бозор шароитида ишлаши керак. Фермер уни қўллай олиши ва нафини ўз хўжалигида кўриши илмнинг амалий қийматини очади.

Шу мақсадда “proof-of-use”, яъни амалда фойдаланиш исботига асосланган грант ва молиялаштириш механизмлари таклиф этилди. Грант илмий натижа ёки прототип яратишдан кейин ҳам ечимни фермер билан бирга синаш ва қўллашни қўллаб-қувватлайди. Бу илм билан унинг биринчи фойдаланувчиси ўртасидаги масофани қисқартиришга қаратилган.

Илмий механизм ва технология яратилгач, ечим маҳаллий тупроқ ва иқлимда синалади. Фермер унинг харажати, меҳнат талаби ва хавфини баҳолашда иштирок этади. Маҳсулот сифати, харидор ва бозор имконияти ҳам ўрганилади. Ана шу босқичларда тўпланган далиллар кенгайтириш учун инвестиция жалб қилишга асос бўлади.

Навбатдаги маблағ аввалги босқичдаги текширилган натижага қараб ажратилади. Самара бермаган лойиҳа очиқ баҳоланиб, ўзгартирилади ёки тўхтатилади. Ҳалол илмий хатони яширмасдан, ундан ўрганиш имконияти бўлиши керак. Шу билан бирга, маблағни йиллар давомида ажратиш ечимнинг амалдаги натижаси билан асосланиши лозим.

Интизом технологиянинг бир қисмидир

Бешинчи D — Discipline, яъни интизом. Ўзбекистон пахтачилиги бу тамойилнинг амалий аҳамиятини кўрсатди. 2021-2025 йилларда пахта майдони 1 миллион 31 минг гектардан 875,6 минг гектарга камайди. Шу билан бирга, умумий ҳосил 19,3 фоиз ўсиб, қарийб 4 миллион тоннага етди. Ўртача ҳосилдорлик гектарига 3,24 тоннадан 4,55 тоннага ошди. Бошқача айтганда, камроқ ерда кўпроқ ҳосил олиш имкони пайдо бўлди. 2026 йилда эса ўртача ҳосилдорлик гектарига 5,2 тоннага етиб, жами 4,5 миллион тонна пахта хомашёси етиштирилиши кутилмоқда.

Бу натижада ўзаро боғланган агротехник тадбирларнинг ўрни катта. Пахтачиликда ишлаб чиқилган саккиз қонуният соғлом кўчат қалинлиги, тўғри экиш схемаси, ўсимлик архитектурасини бошқариш, мувозанатли озиқлантириш, пишиб етилишни ўз вақтида бошқариш, уйғунлашган ҳимоя, ҳар бир ишни белгиланган муддат ва кетма-кетликда бажариш ҳамда экологик тоза дала тамойилларини қамраб олади. Улар бажарилиши шарт бўлгани учун “қонуният” деб номланган. Уларнинг самараси бир-бирини тўлдириб ишлашида.

Еттинчи қонуният, айниқса, муҳим: бир агротехник бўғин ўтказиб юборилса, кейинги тадбирлар самараси пасайиши мумкин. Минтақавий озиқ-овқат тизимида ҳам сифат стандарти, совитиш занжири, чегарадан ўтиш муддати, касалликлар мониторинги ва инвестиция мажбуриятлари ўз вақтида бажарилиши зарур. Даладаги меҳнат чегарадаги кечикиш ёки совитишдаги узилиш сабаб қадрсизланиб қолмаслиги шарт.

Ўзбекистонда ишлаб чиқилган саккиз қонуниятнинг мантиғини бошқа экинларга, Марказий Осиё ва Глобал Жануб мамлакатларига маҳаллий шароитни ҳисобга олган ҳолда мослаштириш мумкин. Бунда тўлиқ технология, ўз вақтида бажариш ва натижани ўлчаш тамойили сақланади. Аниқ агротадбир эса ҳар бир экин ва ҳудуднинг хусусиятига қараб танланади.

Мавсумдан мавсумга сақланадиган самара

Олтинчи D — Durable, яъни давомли ва барқарор натижа. Бир йил юқори ҳосил олиш муҳим, аммо кейинги мавсумлар учун тупроқ, сув ва фермернинг иқтисодий имконияти сақланиши керак. Сувни ортиқча сарфлаб, тупроқни заифлаштириб ёки хўжаликни қарзга ботириб олинган натижа узоққа бормайди.

Ғўзапояни биочарга айлантириш бу боғлиқликни кўрсатадиган мисоллардан биридир. Тўғри технология ва маҳаллий шароитга қараб, биочар тупроқда углерод ва намни сақлашга, органик қолдиқдан қўшимча қиймат яратишга ёрдам бериши мумкин. Натижани текшириш ва шаффоф ҳисобга олиш тизими мавжуд бўлса, карбон бозори ҳам қўшимча даромад имкониятини беради. Бунда тупроқ, сув, иқтисод, бозор ва инсон манфаати биргаликда кўрилади.

Аввало, технологиянинг тупроққа, ҳосилга ва фермер иқтисодиётига фойдаси тасдиқланиши шарт. Карбон даромади ана шу ҳақиқий натижа устига қурилган қўшимча манба бўлиши лозим. Хўжаликнинг асосий иқтисодий мантиғи фақат келажакдаги карбон кредитига боғланиб қолмаслиги керак.

Ислоҳот марказида инсон қадри

Еттинчи D — Dignity, яъни инсон қадри. Қишлоқ хўжалигидаги ҳар қандай технология охир-оқибат инсон ҳаётига таъсир қилади. Шунинг учун тонна, гектар ва экспорт кўрсаткичлари билан бирга фермер хонадонида, қишлоқ ҳаётида ва истеъмолчи дастурхонида юз бераётган ўзгаришни ҳам кўриш зарур.

Фермер даромади ошиши, хавфи камайиши, хотин-қизлар ва ёшлар учун янги имкониятлар пайдо бўлиши, сифатли ва соғлом озиқ-овқат истеъмолчига етиб бориши шу натижанинг асосий мезонларидир. Технология ҳақидаги қарорда фермернинг фикри эшитилиши ва манфаати ҳисобга олиниши ҳам “Dignity”нинг амалий ифодасидир.

Бу ерда Ўзбекистон илгари сураётган STEM+HECI ёндашуви алоҳида аҳамиятга эга. STEM — табиий фанлар, технология, муҳандислик ва математика — генетика, агрономия ва рақамли ечимларни ривожлантириш учун билим беради. HECI эса “Humanity, Ethics, Creativity ва Imagination”, яъни инсонпарварлик, ахлоқ, ижодкорлик ва тасаввур орқали шу билимларни инсон манфаатига йўналтиришга хизмат қилади.

Илм амалга ошириш мумкин бўлган ечимларни кўрсатади. Инсонпарварлик ва ахлоқ уларни жамият эҳтиёжи ва келажак олдидаги масъулият билан уйғунлаштиради. Шу боис, фермер технологияни танлаш, синаш, баҳолаш ва такомиллаштиришда фаол иштирок этиши лозим. Унинг билими, меҳнати, маълумотларига доир ҳуқуқлари ва зиммасига оладиган хавфи адолатли ҳисобга олиниши керак.

Шунда иштирок маслаҳат сўраш билан тугамайди. Фермернинг фикри қарорга таъсир қилади, манфаати ва масъулияти эса бошқа иштирокчилар билан бирга белгиланади. Инсон қадри амалиётда ана шундай намоён бўлади.

Эпигенетикага асосланган деҳқончилик

7D тамойилларининг бирга ишлашини ташаббуснинг устувор илмий йўналишларидан бири — эпигенетик билимга асосланган деҳқончилик мисолида кўриш мумкин. Бу ёндашув ўсимликнинг мавжуд генетик имкониятини муҳит ва парвариш билан уйғунлаштиришга эътибор қаратади.

Яхши нав катта имкониятга эга, аммо бу имконият тупроқ, ҳарорат, сув, озиқлантириш ва бошқарув таъсирида намоён бўлади. Айрим муҳит таъсирлари генлар ишлашини ўзгартириши мумкин. Шунинг учун уруғнинг экишгача бўлган ҳолати ва кейинги парваришни тушуниш генетик билимнинг даладаги қийматини очишга ёрдам беради.

Ўзбекистонда бугдой уруғини экишдан олдин совуқ шароитда чиниқтириш, навни ҳудудга мос жойлаштириш, тупроқ ва сувни бошқариш ҳамда мувозанатли озиқлантириш каби ёндашувлар синовдан ўтди. 2026 йилги миллий таҳлилга киритилган таққосланадиган майдонларда ўртача ҳосилдорлик гектарига 97,8 центнерга етди. Бу натижа генетика ва агротехникани биргаликда ўрганишнинг амалий аҳамиятини кўрсатади.

Бу рақамни бошқа далалар учун тайёр кафолат деб қабул қилиш тўғри бўлмайди. Ҳар бир фермернинг ери, суви, нави ва агротехникаси турлича. Асосий мантиқ яхши генетика имкониятини тўғри муҳит ва парвариш билан очишдир. Бунинг учун ҳар бир ечимнинг маҳаллий шароитда берадиган натижаси ўлчаниши керак.

Тўртта умумий миссия

Марказий Осиё озиқ-овқат тизимлари дастурини тўртта умумий миссия атрофида бошлаш таклиф қилинди. Улар мамлакатларни муайян муаммо ва ўлчанадиган натижа атрофида бирлаштириши, ҳар бир давлатнинг илмий ва амалий имкониятига таяниши лозим.

Биринчи миссия эпигенетик билимга асосланган деҳқончиликка қаратилди. Иккинчиси Blue Nutrition орқали балиқ ва бошқа денгиз маҳсулотларининг озиқланишдаги ўрнини кенгайтиришни қамраб олди. Бу йўналиш маҳаллий балиқчиликни ривожлантириш, маҳсулотларнинг озиқавий қийматини ўрганиш ва денгизбўйи давлатлари билан ҳамкорликда аҳолининг турли сув маҳсулотларидан фойдаланиш имкониятини оширишни бирлаштиради. Учинчиси маҳсулотни дала, сақлаш, қайта ишлаш, транспорт ва бозор билан боғлайдиган қуруқлик логистика йўлакларини шакллантиришга йўналтирилди. Тўртинчиси органик қолдиқлар, биочар, тупроқ саломатлиги ва текшириладиган карбон даромадини бирлаштирувчи айланма углерод қишлоқ хўжалигини назарда тутди.

Бу миссияларни бирлаштирувчи талаб ҳам умумий: илмий механизм тушунарли, маҳаллий синов ишончли, фермер иқтисодиёти ҳисобланган, хавфсизлик, экологик таъсир ва бозор имконияти баҳоланган бўлиши зарур. Натижа шаффоф ўлчанганда ҳамкорлар кейинги қадамни биргаликда белгилай олади.

Римдаги етти таклифдан даладаги натижага

Римда илгари сурилган еттита таклиф ана шу ғояларни даладан дастурхонгача бўлган амалий занжирга айлантиришга қаратилди. Уларнинг таянчи Food Systems Compact бўлиши таклиф этилди. Мамлакатлар шу дастур доирасида умумий мақсадлар, вазифалар ва ҳар бир ҳамкорнинг масъулиятини келишиб олиши мумкин.

Бундай ҳамкорликка ишончли маълумот керак. Таклиф этилган Озиқ-овқат савати обсерваторияси сув танқислиги, маҳсулот ҳажми, озиқланиш эҳтиёжлари ва ташиш харажатлари ҳақидаги маълумотларни бирлаштириши лозим. Шунда умумий қарорлар эҳтиёж, имконият ва мавжуд чекловларни аниқроқ ҳисобга олади.

Кейинги қадам янгиликни фермер билан бирга синашдир. Ҳар бир мамлакатда 7D асосида Living Labs — олим ва фермер бирга ишлайдиган амалий синов майдонларини ташкил этиш таклиф қилинди. Минтақавий proof-of-use молиялаштириши ечимни лабораториядан даладаги ҳақиқий фойдаланишгача қўллаб-қувватлаши керак. Фермернинг ўзи унинг нафини кўриши бу жараённинг муҳим натижасидир.

Эпигенетик билимга асосланган деҳқончилик ва Blue Nutrition бўйича қўшма илмий миссиялар ҳам шу мақсадга хизмат қилади. Бири генетика ва агротехника уйғунлигини ўрганса, иккинчиси маҳаллий балиқчилик, денгиз маҳсулотларининг озиқавий қиймати ва денгизбўйи ҳамкорлар билан алоқаларни соғлом озиқланиш мақсадига боғлайди. Маҳсулотни сақлаш, қайта ишлаш ва бозорга етказиш учун эса қуруқлик орқали боғланган озиқ-овқат йўлакларига қўшма инвестиция портфелини тайёрлаш таклиф этилди. Бу йўлакларда совитиш занжирининг узлуксиз ишлаши балиқ ва денгиз маҳсулотлари учун, айниқса, муҳим.

Бошқа минтақада устувор вазифа ўзгача бўлади. Сув танқис ҳудудда ҳамкорлик сувдан самарали фойдаланишга, маҳсулот тез бузиладиган жойларда совитиш ва қайта ишлашга қаратилиши мумкин. Blue Nutrition эса денгизбўйи ва денгизга чиқиши чекланган мамлакатлар имкониятларини боғлайди. Барқарор балиқчилик, озиқавий қийматни ҳисобга олган савдо ва ишончли совитиш занжири орқали турли сув маҳсулотларини аҳолига хавфсиз ва ҳамёнбоп етказиш мумкин. Умумий дарё ҳавзаси ёки савдо йўлаги атрофидаги мамлакатлар шу вазифалар учун ўз ҳамкорлик дастурини тузади. Умумий мантиқ сақланади, амалий ечим маҳаллий шароитдан келиб чиқади.

Бундай дастурларда ҳам етти тамойил бирга ишлайди. Мамлакатлар ўлчов ва сифат талабларини келишади, ечимларни ўз шароитида синайди, масъуллар ва молия манбаларини белгилайди. Миллий қарорлар ҳар бир давлат ваколатида қолади, трансчегаравий масалалар келишув асосида ҳал этилади. Харажат ва фойда адолатли тақсимланиши ҳамкорликни ишончли қилади ва уни узоқ муддат сақлашга ёрдам беради.

Натижани экспорт ёки ялпи ҳосил билан бирга фермер даромади, озиқ-овқатнинг аҳоли учун ҳамёнбоплиги, овқатланиш сифати, тежалган сув ва камайган йўқотишлар орқали ҳам баҳолаш лозим. Марказий Осиёдаги синовлар шу кўрсаткичлар бўйича ишончли натижа берса, тажрибани бошқа минтақаларга таклиф қилиш учун амалий асос пайдо бўлади. Бунда тарқатиладиган нарса тайёр қолипдан кўра, маҳаллий ечим яратиш ва уни биргаликда текшириш тажрибасидир.

Шу тариқа Марказий Осиё жаҳон озиқ-овқат саватига маҳсулот билан бирга ҳамкорлик тажрибасини ҳам таклиф қилиши мумкин. Мақола бошидаги оила дастурхонига қайтсак, бу ташаббуснинг ҳақиқий маъноси янада аниқ кўринади. Фермер етиштирган ҳосил истеъмолчига етиб борса, унинг меҳнати даромадга айланса, дастурхон бойиб, сув ва тупроқ кейинги мавсумлар учун ҳам асралса, ҳамкорлик ўз мақсадига хизмат қилган бўлади.

Илм-фан тараққиёти

Туркий давлатларни муштарак тарих, яқин маданият, маънавий қадриятлар ва бир-биридан куч олган илм-фан цивилизациялари бирлаштириб туради. Жумладан, Абу Наср Форобий, Маҳмуд Кошғарий, Хожа Аҳмад Яссавий, Низомий Ганжавий, Алишер Навоий, Юнус Эмро каби алломалар илми ва ижодида ўзидан олдин яшаб ўтган қардошларининг ўрни беқиёс. Шу нуқтаи назардан, туркий давлатлар ўртасида олий таълим, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш бугун ҳам алоҳида аҳамият касб этади.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИ УМУМИЙ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА



Баҳодир ТЎРАЕВ,
Туркий давлатлар халқаро университети ректори в.б.

Кейинги йилларда давлатларимиз ўртасидаги қардошлик, дўстлик-биродарлик, ҳар жабҳада манфаатли ҳамкорлик тобора мустаҳкамланмоқда. Бунга Туркий давлатлар ташкилоти саммитлари каби халқаро платформалар кенг йўл очмоқда.

Ташкилотнинг Анқара шаҳрида бўлиб ўтган 13-саммити ҳам ана шу ҳамкорликни ривожлантириш, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш ва истиқболли ташаббуслар учун янги имкониятларни белгилаш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев саммитда қатор ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, юртимизда хорижлик ёшлар учун таъсис этилган “Янги Ўзбекистон стипендияси” доирасида туркий давлатлар вакилларига ҳар йили таълим грантлари ажратилиши билдирилди. Барча туркий халқлар учун бирдек тушунарли бўлган ва тилларимиздаги муштарак сўзларни жамлайдиган умумтуркий сўзлар луғатини яратиш таклифини берди. Бунда, албатта, олий таълим муассасаларининг иштироки катта аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда олий таълимни модернизациялаш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу йўналишдаги ташаббуслардан бири Туркий давлатлар халқаро университети ташкил этилишидир. Президентимизнинг 2025 йил 24 январдаги қарорига мувофиқ Тошкент шаҳрида ташкил этилган мазкур университет туркий давлатлар ўртасида олий таълим, фан, инновациялар ва технологиялар соҳасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган.

Университет халқаро таълим стандартлари асосида замонавий иқтисодиёт талабларига жавоб берадиган, юқори малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, шунингдек, қўшма академик ва илмий тадқиқот лойиҳаларини ривожлантиришни асосий мақсадлари сифатида белгилаган. У туркий давлатларнинг илмий ва интеллектуал салоҳиятини бирлаштириш, таълим тизимлари ўртасида амалий алоқаларни мустаҳкамлаш ва халқаро тажрибани миллий таълим муҳитига олиб кириш учун янги имкониятлар яратади.

Хўш, бу мақсад йўлида қандай ишлар қилинмоқда? Аввало, таълим дастурлари ҳамкор университетларники билан мувофиқлаштириляпти. Шунингдек, хорижий профессор-ўқитувчиларни ўқув жараёнига жалб этиш, замонавий лабораториялар ташкил қилиш ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётини халқаро ҳамкорлик асосида йўлга қўйиш ишлари амалга оширилмоқда. Бу эса университетни оддий билим бериш масканидан таълим, тадқиқот ва ишлаб чиқаришни ўзаро боғловчи замонавий академик муҳитга айлантиришга хизмат қилаётир.

Туркий давлатлар халқаро университети фаолиятида Туркия, Озарбайжон ва Қозоғистоннинг етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутади. Жумладан, 2025/2026 ўқув йилида Туркия университетлари билан ҳамкорлик асосида бешта таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

2026/2027 ўқув йилида ҳамкорлик географияси Озарбайжон ва Қозоғистон университетлари билан янги йўналишлар ҳисобига кенгайтирилмоқда. Нефть ва газ иши, кимё муҳандислиги, геология-қидирув ишлари техникаси ва технологияси, телекоммуникация технологиялари, халқаро ва қиёсий ҳуқуқшунослик йўналишларида яна бешта дастурни жорий этиш белгиланган.

Бу борада Озарбайжон давлат нефть ва саноат университети, Озарбайжон техника университети Қозоқ миллий университети билан ҳамкорлик қилинмоқда. Икки ўқув йилига мўлжалланган ҳамкорлик дастурлари доирасида ўнта таълим йўналишини қамраб олиш кўзда тутилган. Бу эса университетнинг турли мамлакатлар тажрибасини бир академик муҳитда уйғунлаштиришга интилаётганини кўрсатади.

Халқаро ҳамкорлик самараси, энг аввало, унинг таълим жараёнида қандай акс этиши билан ўлчанади. Бунинг учун малакали педагоглар, замонавий ўқув дастурлари, илмий лабораториялар ва талабаларнинг амалий кўникмаларини ривожлантиришга мўлжалланган инфратузилма зарур.

Туркий давлатлар халқаро университетида ушбу йўналишларда амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, 2026 йил март ойида тиббиёт йўналиши талабалари учун клиник симуляция ва амалий кўникмалар маркази фаолияти йўлга қўйилди. Ҳажеттепе университети ўқув дастурлари ва клиник стандартлари асосида жиҳозланган марказда талабалар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, дастлабки ташхис қўйиш ва даволаш алгоритмларини замонавий тренажёрлар ҳамда роботлаштирилган мосламалар ёрдамида машқ қилиш имконига эга.

Академик мобиллик туркий давлатлар ўртасида олий таълим интеграциясини чуқурлаштиришда алоҳида ўрин тутади. Талабаларнинг бошқа мамлакатда муайян муддат таҳсил олиши, профессор-ўқитувчиларнинг маърузалар ўқиши, тадқиқотчиларнинг қўшма лойиҳаларда иштирок этиши билим ва тажриба алмашинувини кучайтиради.

Академик мобиллик самарали бўлиши учун ўзаро тан олинадиган ўқув натижалари, мувофиқлаштирилган таълим дастурлари, шаффоф баҳолаш мезонлари ва талабалар учун тушунарли маъмурий тартиблар зарур. Бундай механизмлар таълим олувчиларнинг бир мамлакатда эгаллаган билимларини бошқа мамлакатда давом эттиришига қулайлик яратади.

Шу маънода, туркий давлатлар доирасида академик мобиллик дастурларини ривожлантириш, грант ва стипендия имкониятларини кенгайтириш, қўшма диплом дастурларини кўпайтириш истиқболли вазифалардандир.

Қўшма диплом дастурлари талабаларга икки мамлакатнинг академик тажрибасидан фойдаланиш имконини беради. Бироқ бундай дастурлар муваффақияти таълим мазмуни мувофиқлиги, сифат назорати ва битирувчилар малакаси тан олиниши каби масалалар пухта ҳал этилишига боғлиқ.

Яна бир муҳим йўналиш ёш олимлар ва стартап ташаббусларни қўллаб-қувватлашдир. Турли мамлакатлардан келган талабалар ва тадқиқотчиларни бирлаштирувчи илмий танловлар, инновацион лойиҳалар ва стартап акселераторлар янги ғоялар пайдо бўлишига, амалиётга татбиқ этилишига ёрдам беради.

Бугун туркий давлатлар олдида катта имкониятлар билан бирга жиддий вазифалар ҳам турибди. Жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришлар, технологик рақобат, экологик муаммолар ва меҳнат бозорининг янги талаблари таълим тизимидан доимий янгиланишни тақозо қилмоқда.

Бундай шароитда давлатларимизнинг энг катта бойлиги — инсон капитали. Ёшларнинг сифатли таълим олиши, замонавий касбларни эгаллаши, мустақил фикрлаши ва янги ғоялар яратаолиши мамлакатларимиз келажагини белгилайди.

Шунинг учун олий таълим соҳасидаги ҳамкорликка фақат бугунги кадрларга эҳтиёжни қондириш воситаси сифатида қараш тўғри бўлмайди. У узоқ муддатли тараққиёт, илмий салоҳиятни ошириш ва келажак авлод учун янги имкониятлар яратишга қаратилган стратегик йўналишдир.

ТДТ доирасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш орқали университетларимиз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, қўшма тадқиқотлар кўламини кенгайтириш ва ёшларимизнинг халқаро академик муҳитда ўз салоҳиятини намоён этиши учун шароит яратиш мумкин.

Туркий давлатлар халқаро университетининг фаолияти ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилади. Таълим ва илм-фан соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил ривожлантириш туркий давлатларнинг интеллектуал салоҳиятини янада юксалтиришга ҳисса қўшади. Бу эса нафақат университетларимиз, балки бутун минтақанинг инновацион тараққиёти, иқтисодий рақобатбардошлиги ва барқарор келажаги учун муҳим аҳамиятга эга.

Келажак лойиҳалари



LOLAi

Хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, айниқса, касбий салоҳиятини рўёбга чиқариш ва замонавий меҳнат бозорида муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашиш бугун ҳар қачонгидан муҳим. Шу маънода, уларнинг олий маълумот олиши, касб-ҳунарли бўлишига катта имкониятлар яратиляпти. Айни пайтда сунъий интеллект, дастурлаш, рақамли дизайн ва онлайн тадбиркорлик каби йўналишлар уйда ўтирган аёл-қизларнинг ҳам даромад топишида қўл келяпти.

“LOLA-AI”

хотин-қизларни қўллаб-қувватловчи платформа

Наманганлик дастурчи қизлар томонидан ишлаб чиқилган “Lola-AI” платформаси ҳам шундай мақсадга қаратилган. Платформа ёрдамида аёл-қизлар ўз қизиқиши ва имкониятига мос касбни танлаш, сунъий интеллект ёрдамида индивидуал ўқув йўналишини шакллантириш ҳамда малакали устозлардан маслаҳат олиш имкониятига эга бўлади.

Лойиҳада таълим жараёнини амалиёт ва бандлик билан боғлашга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, ўқишни тамомлаган қизларни ишга жойлаштириш, масофавий меҳнат ва фрилансерликка йўналтириш, шунингдек, ўз бизнесини бошлаш истагидаги хотин-қизларга стартап лойиҳаларини амалга оширишда кўмаклашиш кўзда тутилган.

Шунингдек, платформа доирасида хотин-қизларга психологик кўмак бериш, ўзига ишончини мустаҳкамлаш ва турли ҳаётий қийинчиликларни енгиб ўтишига ёрдам бериш ҳам режалаштирилган.

Платформа вилоят бўйлаб туман ҳокимларининг сунъий интеллект бўйича маслаҳатчилари жамоаси томонидан такомиллаштирилмоқда. Платформа юритувчиси Мафтуна Шералиева, АТ ва таълим йўналишига масъул Нодира Арслонова, хорижий тиллар ва янги курсларни ўрганиш ҳамда жорий этиш бўйича етакчи Моҳинур Маҳмудова билан суҳбатда лойиҳага туртки бўлган омиллар ҳақида сўрадик. Суҳбатдошларимиз бугун сунъий интеллект, дастурлаш, рақамли дизайн ва онлайн тадбиркорлик энг талабгир йўналишларга айлангани, бу соҳаларда масофа ҳам, чегара ҳам тўсиқ эмаслигини таъкидлади. Бироқ чекка туман ва маҳаллаларда яшовчи аёл-қизлар учун бу йўлга биринчи қадам қўйиш ҳали ҳам мураккаб. Яқин атрофда замонавий курслар етарли эмас, йўл кўрсатадиган устоз, ўзига ишонч ҳам етишмайди. Шу маънода, ҳар бир қизнинг ўз уйида туриб замонавий касб эгаллаши мумкин бўлган тизим яратишга қарор қилинди.

“Lola-AI” оддий онлайн курслар тўплами эмас. Бу касб-ҳунарга ўқитишнинг янгича тизими бўлиб, унда ўқиш, амалиёт ва иш яхлит занжирда бирлаштирилган. Сунъий интеллект АТ, дизайн, тадбиркорлик, маркетинг ва ҳунармандчилик бўйича курслар орасидан ҳар бир қизнинг қизиқиши ва имкониятига мос ўқув йўл харитасини тузиб беради. Шунингдек, тингловчиларнинг саволларига жавоб қайтаради ва ўқиш давомида ҳамроҳлик қилади. Тажрибали мутахассислар маслаҳат ва амалий топшириқлар бериб боради. Ўқишни тамомлаганларга иш топишда кўмаклашилади. Ўз бизнесини бошламоқчи бўлганларга эса стартап лойиҳаларида ёрдам берилади.

“Lola-AI” хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича ўзига хос Наманган тажрибаси бўлди. Платформа 16 ёшдан катталар учун мўлжалланган. Яқин орада платформадаги курслар сонини кўпайтириш, хорижий тиллар бўйича йўналишлар ва яна янги замонавий касблар бўйича курсларни жорий этиш режалаштирилган. Шунингдек, иш берувчилар, АТ компаниялар билан ҳамкорликни кенгайтириш, қизлар учун иш ва фриланс буюртмалари базасини шакллантириш кўзда тутилган. Платформа бўйича ўқиган қизларнинг ўзи ҳам кейинчалик устоз сифатида бошқаларга ёрдам берадиган ҳамжамият яратади.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

БИРДАМЛИК ТАЯНЧИ – БИЛИМЛИ АВЛОД

Анқара саммитида илгари сурилган ташаббуслар таълим, ёшлар ва амалий ҳамкорлик олдига қандай вазифалар қўймоқда?

Нуқтаи назар



Эркин АЙДАРОВ,
М.Авезов номидаги Жанубий Қозоғистон университети Чирчиқ шаҳридаги филиали директорининг биринчи ўринбосари, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Талаба хорижий тенгдоши билан бир лабораторияда муаммо ечса, ҳамкорликнинг маъносини бевосита англайди. У бошқа мамлакатни харитадаги ҳудуд сифатида эмас, фикр алмашиш, билим олиш ва бирга изланиш мумкин бўлган яқин макон сифатида танийди. Давлатлар ўртасидаги ишончнинг узоқ умр кўриши ҳам ана шундай инсоний алоқаларга боғлиқ.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Туркий давлатлар ташкилотининг Анқарада бўлиб ўтган саммитидаги нутқини ўқир эканман, айнан шу фикрга қайтдим. “Туркий аср: тилда, фикрда ва ишда бирлик” шиори остидаги учрашувда сиёсий мулоқот, саноат, транспорт, туризм, ҳуқуқий ҳамкорлик ва таълимга дахлдор таклифлар илгари сурилди. Уларни бирлаштирадиган мазмун шуки, тарихий яқинлик одамларнинг бугунги ҳаётида сезиладиган имкониятларга айланиши керак.

Давлатимиз раҳбари технологик тараққиёт пойдеворини инсон капитали, замонавий билим ва кўникмаларга эга ёш авлод билан боғлади. Педагог сифатида бу ёндашувни саммит кун тартибининг энг узоқ истиқболга хизмат қиладиган жиҳатларидан бири деб биламан. Саноат лойиҳаси учун ускуна ва маблағ зарур. Аммо уни бошқарадиган муҳандис, янгилик ярата оладиган тадқиқотчи, ўз ишига масъул мутахассис бўлмаса, кутилган натижага эришиш қийин.

Нутқда “Янги Ўзбекистон стипендияси” доирасида хорижлик 500 талабага грант асосида таълим олиш имконияти яратилгани қайд этилди. Шу билан бирга, туркий давлатлар вакилларига ҳар йили 200 та таълим гранти ажратишга тайёрлик билдирилди. Бундай имконият ёшларнинг илмий қизиқишини қўллаб-қувватлаш билан бирга университетлар ўртасида узоқ муддатли алоқалар шаклланишига ҳам хизмат қилиши мумкин.

Таълим грантининг қадри ҳар бир ёшнинг ўқишга қабул қилиниши билан чекланмайди. Талабанинг бошқа муҳитга мослашуви, таълим тилини ўзлаштириши, илмий раҳбар топиши ва ўрганган билимини амалиётда синаши ҳам муҳим. Шу сабабли грантлар ҳақидаги ахборотни ёшларга аниқ етказиш, танлов талаблари тушунарли бўлишини таъминлаш, келган талабага академик ва ташкилий кўмак бериш устида ишлаш зарур. Бунда адолатли танлов ҳамкорликка ишончни мустаҳкамлайди.

Менимча, олий таълим муассасалари бу ташаббусларга фақат янги келишувлар сони нуқтаи назаридан қарамаслиги лозим. Ҳамкор университетлар қайси муаммони биргаликда ўрганади? Талаба алмашинувидан қайтган ёш қандай кўникма орттиради? Унинг ўқиган фанлари қандай тан олинади? Ана шу саволларга олдиндан жавоб топиш келишувнинг кундалик ишига айланишига ёрдам беради. Қисқа илмий семинар ҳам пухта тайёрланса, мазмунсиз катта тадбирдан кўра фойдалироқ бўлиши мумкин.

Президентимиз таклиф этган “Туркий дунё — 100” дастурида юзта стратегик қўшма инвестиция ва саноат лойиҳасини қамраб олиши кўзда тутилмоқда. Нодир ва стратегик минералларни тўлиқ қайта ишлаш, “яшил” энергетика ускуналарини маҳаллийлаштириш, юқори даромадли маҳсулотлар тайёрлаш устувор йўналишлар сифатида кўрсатилди. Булар ҳали бажарилган ишлар рўйхати эмас, биргаликдаги фаолият учун илгари сурилган вазифалардир.

Ушбу йўналишларнинг таълимга алоқаси бевосита. Масалан, энергия тежамкорлиги бўйича қўшма лойиҳа талабанинг ҳисоб-китобини, муҳандиснинг тажрибасини ва корхонанинг амалий эҳтиёжини бир масала атрофида бирлаштириши мумкин. Университетлар саноатдаги эҳтиёжларни ўрганиб, талабаларнинг битирув ишлари ва тадқиқот мавзуларини реал муаммоларга яқинлаштирса, ҳамкорликнинг билимга таянган қатлами шаклланади. Бунда илмий ҳалоллик ва натижани текшириш мезонлари четда қолмаслиги керак.

Нутқда Ўрта йўлак ва унга туташ транспорт йўлакларини яхлит иқтисодий тизимга айлантириш, туркий давлатлар логистика комплекслари тармоғини ташкил этиш таклиф қилинди. Логистика фақат юкни бир манзилдан бошқасига етказишдан иборат эмас. Бу соҳада рақамли бошқарув, тилларни билиш, ҳуқуқий саводхонлик ва турли жамоалар билан ишлаш кўникмалари бир-бирини тўлдиради. Демак, иқтисодий яқинлашув мутахассис тайёрлашнинг мазмунини ҳам бойитиши керак.

Умумтуркий сўзлар луғатини яратиш ташаббуси эса маданий яқинликни билим орқали мустаҳкамлашга хизмат қилиши мумкин. Муштарак сўзларни билиш суҳбатни осонлаштиради, адабий асарни тушунишга қизиқиш уйғотади. Шу билан бирга, ҳар бир тилнинг ўзига хослигини асраш, маъно ва талаффуздаги фарқларни илмий аниқлик билан ёритиш зарур. Талабалар иштирокидаги таржима машғулотлари, луғат муҳокамалари ва биргаликдаги мутолаа учрашувлари бу йўналишдаги фойдали иш шакллари бўла олади.

Ёшлар билан ишлашда умумий меросга ҳурмат бошқа халқнинг қадриятини камситишга айланмаслиги керак. Қардошликнинг тарбиявий кучи очиқ мулоқотда, бир-бирини тинглашда, турли қарашларга одоб билан муносабат кўрсатишда намоён бўлади. Талаба ўз тилини ва тарихини чуқур билиб, айни пайтда бошқа маданиятни ўрганишга тайёр бўлса, халқаро ҳамкорлик учун ҳам пухта тайёргарлик кўради.

Албатта, ташаббусларнинг амалий самарасини вақт ва изчил меҳнат белгилайди. Олий таълим тизимининг вазифаси шу меҳнатга тайёр ёшни, яъни билимини текшира оладиган, ваъдасига масъул, биргаликда ишлашни биладиган мутахассисни тарбиялашдир. Ҳар бир ҳамкорлик лойиҳасида ёшлар учун қандай ўрганиш имконияти борлигини сўраш одатга айланса, саммит ғоялари аудиториядаги дарс мазмунига ҳам кириб боради.

Анқарада илгари сурилган таклифлар туркий бирдамликни иқтисодий имконият, маданий мулоқот ва инсон капитали билан бирга кўришга ундайди. Биз, педагоглар бу жараёнга, энг аввало, кундалик ишимиз орқали ҳисса қўша оламиз. Талабага пухта билим бериш, мустақил фикрини қўллаб-қувватлаш, уни ҳамкорлик маданиятига ўргатиш бугунги вазифамиздир.

Япония тажрибасини ўрганиш ўзбек тарбиясидан воз кечиш дегани эмас. Аксинча, биз асрлар давомида шаклланган миллий қадриятларимизни янада мустаҳкамлашнинг самарали усулларини излашимиз керак.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 3 ноябрь, 227-сон

Мулоҳаза

Биз, катта авлод вакиллари фарзанд тарбияси ҳақида гап кетганда, кўпинча болалигимизни эслаймиз. Ота-онамиз бир иш буюрса, уни бажаришга ҳаракат қилардик. Ҳовли супуриш, кўчага сув сепиш, кексалар ҳолидан хабар олиш, ҳашарда қатнашиш одатий ишлар эди. Бунинг учун алоҳида дарс ўтилмасди. Ҳаётнинг ўзи бизга сабоқ берарди.



Икромхон НАЖМИДДИНОВ,
“Нуроний” жамғармаси
Наманган вилояти
бўлими раиси,
Олий Мажлис Сенати аъзоси



ЁШЛАРНИНГ ЭРТАНГИ ҚИЁФАСИ БУГУНГИ ТАРБИЯМИЗГА БОҒЛИҚ

Наманган вилоятида Япониянинг илғор тажрибаси миллий қадриятларимиз билан уйғунлаштирилмоқда

Бугун замон ўзгарди. Болаларимиз дунёдаги энг янги билимларни эгаллаяпти, ахборот технологияларидан фойдаланяпти, хорижий тилларни ўрганяпти. Бундан, албатта, қувонамиз. Лекин бир аксиома бор: фарзандимиз қанчалик билимли бўлмасин, агар меҳнатнинг қадрини билмаса, катта-кичикка ҳурмат кўрсатмаса, ишига масъулият билан ёндашмаса, унинг билими жамиятга наф келтирмайди.

Шу масала ҳар бир ота-онани, ҳар бир устозни, айниқса, биз — нуронийларни ўйлантириши керак.

Яқинда “Япон тарбияси сирлари” китобини мутолаа қилар эканман, Япониянинг Иккинчи жаҳон урушидан кейинги тараққиёти ҳақида яна бир бор ўйга толдим.

Урушдан кейин бу мамлакатнинг кўплаб шаҳарлари вайрон бўлган, иқтисодиёти оғир аҳволга тушган эди. Аммо япон халқи катта машаққатлар эвазига юртини қайта тиклади, саноат ва технологияда улкан натижаларга эришди.

Албатта, Япония тараққиётини фақат тарбия ёки интизом билан изоҳлаб бўлмайди. Бунда оқилона иқтисодий сиёсат, илм-фан, технология, бошқарув ва халқаро ҳамкорликнинг ҳам ўрни катта.

Лекин бир ҳақиқатни инкор этиб бўлмайди: ҳар қандай тараққиётнинг марказида инсон туради.

Ишга ўз вақтида келиш, зиммасига олган вазифани пухта бажариш, жамоа манфаатини ўйлаш, бошқалар меҳнатини ҳурмат қилиш, умумий мулкка эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш — буларнинг барчаси жамият ривожига хизмат қилади.

Бундай фазилатлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Улар болаликдан, оила ва мактабда, кундалик ҳаётда шаклланади.

Япония тажрибасининг мен учун энг эътиборли томони ҳам шунда.

Япон мактабларида болага тартиб-интизом ҳақида фақат гапириб берилмайди. У тартибли яшашга ўргатилади. Меҳнатнинг аҳамияти тушунтирилиш билан бирга, боланинг ўзи ҳам ёшига мос меҳнат жараёнига жалб этилади. Жамоавийлик ҳақида маъруза қилиш билан чекланилмайди, ўқувчилар биргаликда ишлаш, бир-бирини тинглаш ва келишиб қарор қабул қилишга одатлантирилади.

Бу ерда тарбия сўздан амалга кўчади.

Япония тажрибасини ўрганиш ўзбек тарбиясидан воз кечиш дегани эмас. Аксинча, биз асрлар давомида шаклланган миллий қадриятларимизни янада мустаҳкамлашнинг самарали усулларини излашимиз керак.

Ахир меҳнатсеварлик бизга бегона эмас-ку!

Каттага ҳурмат, кичикка иззат, қўни-қўшнига ёрдам бериш, ҳашар қилиш, дастурхон одоби, устозга эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг азалий фазилатлари. Боболаримиз “Меҳнатнинг таги — роҳат”, “Одоб — олтиндан қиммат”, деб бежиз айтмаган.

Фарқ шундаки, биз баъзан шу қадриятларни фарзандларимизга насиҳат орқали етказишга кўпроқ ҳаракат қиламиз. Япон тажрибаси эса уларни ҳар куни такрорланадиган амалий машғулотга айлантириш йўлларини кўрсатади.

Масалан, болага “Озода бўл”, дейиш мумкин. Лекин унга ўз ўқув жойини тартибга келтиришни ўргатиш янада таъсирлироқ.

“Бир-бирингизга ёрдам беринг”, дейиш мумкин. Аммо ўқувчиларга биргаликда бажариладиган вазифа топширилса, улар ҳамкорликнинг қадрини табиий ҳис қилади.

“Масъулиятли бўл”, деб насиҳат қилиш мумкин. Бироқ болага муайян вазифани ишониб топшириб, унинг натижасига ўзи жавобгар бўлишини ўргатиш бутунлай бошқа самара беради.

Демак, биз учун энг тўғри йўл хориж тажрибасини кўчириш эмас, уни миллий ҳаётимизга мослаштиришдир.

Шундай ёндашувлар бугун Наманган вилоятидаги таълим муассасаларида амалиётга татбиқ этилмоқда. Вилоятда Япониянинг илғор таълим-тарбия усулларини ўрганиш ва миллий шароитимизга мослаштириш мақсадида 17 та умумтаълим мактаби ҳамда 18 та мактабгача таълим ташкилоти — жами 35 та муассаса тажриба-синов майдони сифатида танланган. Уларда 4,5 мингдан ортиқ бола қамраб олинган.



Биз япон методикасидан фойдаланиб, ўзбек фарзандини миллий қадриятларга содиқ, дунёқараши кенг, билимли, меҳнатсевар, мустақил фикрлайдиган ва масъулиятли инсон қилиб вояга етказишимиз керак.

2025/2026 ўқув йилида тажриба-синов мактабларининг бошланғич синфларида 85 та синфдаги 2594 ўқувчи билан тегишли ишлар олиб борилган.

Бу рақамларнинг ортида катта мақсад турибди. Гап фақат янги дарс усулини синаб кўриш ҳақида эмас. Асосий ният — болаларнинг кундалик хулқ-атворида ижобий одатларни шакллантириш.

Мазкур ишларга япониялик мутахассис Гото Микако ҳам жалб этилган. У таълим муассасаларидаги амалий машғулотларни кузатиш, педагогларга тавсиялар бериш ва тажриба алмашиш жараёнларида иштирок этмоқда.

Ушбу ташаббус доирасида вилоятимиздан 24 педагог Японияда тажриба алмашиб, у ердаги таълим-тарбия жараёнлари билан бевосита танишди. Улар орттирган билим ва кўникмаларини маҳаллий устозлар билан ўртоқлашмоқда.

Яқинда Норин туманидаги 41-умумтаълим мактабида бўлиб, Япония тажрибаси жорий этилган синфга кирдим. Болаларнинг тартиб-интизоми, одоб-ахлоқи, ўзини тутиши ва бир-бирига ҳурматини кўриб, жуда қувондим.

Ёш болаларда шундай яхши фазилатлар шаклланаётганини кўриш биз, катталар учун фахр-ифтихор, катта бахт. Ўша ерда бир нарсани янада чуқурроқ ҳис қилдим: тарбиянинг натижаси баланд-парвоз гапларда эмас, боланинг кундалик юриш-туриши, муомаласи ва одобида кўринади. Мактабдан яхши кайфият, эртанги авлодимизга янада катта ишонч билан қайтдим.

Вилоятда япон тажрибасини миллий таълим муҳитига мослаштиришга қаратилган методик қўлланма ҳам тайёрланган. Бу ишлар тажрибани фақат айрим мактаблар доирасида қолдирмасдан, илғор жиҳатларини босқичма-босқич оммалаштириш учун муҳим асос бўлади. Чунки яхши ғоянинг ўзи етарли эмас. Уни бола қалбига етказадиган, ҳаётга татбиқ этадиган инсон — устоз. Устоз янги ёндашувнинг мазмунини чуқур англамаса, энг яхши дастур ҳам қоғозда қолиб кетиши мумкин.

Япония таълим тизимида “Токкацу” деб аталадиган ўзига хос тарбиявий ёндашув мавжуд. У мактаб ҳаётидаги жамоавий фаолиятлар орқали болаларда мустақиллик, масъулият, ҳамкорлик ва ўзини бошқариш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган. Бунинг мазмунини оддий бир мисол билан тушунтириш мумкин.

Айтайлик, синфда ўқувчиларга умумий вазифа берилди. Кимдир китобларни тартибга келтиради, бошқаси ўқув жиҳозларини жойлаштиради, яна бири синфдошларига ёрдам беради.

Бундан мақсад болаларни шунчаки ишлатиш эмас. Мақсад — ҳар бир болага жамоанинг бир аъзоси эканини, умумий ишда унинг ҳам ҳиссаси борлигини англатиш.

Ёки синфда бирор масала юзасидан ўқувчиларнинг фикри сўралди дейлик. Бири ўз таклифини айтади, иккинчиси уни тинглайди, учинчиси бошқача фикр билдиради. Охирида улар ўзаро келишиб қарор қабул қилади.

Мана шу оддий жараёнда бола сабрни, ўзгаларни ҳурмат қилишни, фикрини асослашни ва келишувга эришишни ўрганади. Бу фазилатлар эртага унинг оиладаги, меҳнат жамоасидаги ва жамиятдаги муносабатларида ҳам асқатади.

Намангандаги тажриба-синов ишларида ҳам синф навбатчилиги, умумий жиҳозларни асраш, озодаликни сақлаш, вазифаларни тақсимлаш, жамоада ишлаш ва бажарилган ишлардан хулоса чиқариш каби амалий усулларга эътибор қаратилмоқда. Менимча, бу ишларнинг қадри ҳам айнан шунда: бола тарбия ҳақида эшитибгина қолмай, уни ҳар куни ўз ҳаётида ҳис этади.

Наманганда бошланган ишлар фақат дастлабки 35 та таълим муассасаси билан чекланиб қолаётгани йўқ. 2026/2027 ўқув йилида япон тажрибасига асосланган тарбиявий ёндашувларни 325 та умумтаълим мактабида қўллаш, жами 40 минг 984 ўқувчини қамраб олиш режалаштирилган.

Бу, албатта, катта кўлам.

Лекин мен бир нарсани алоҳида таъкидлаган бўлардим: тарбия соҳасида фақат рақамнинг ўзи билан қаноатланиб бўлмайди.

Биз учун энг муҳими қуйидаги яна бир неча саволга жавоб топиш.

Бола аввалгига нисбатан масъулиятлироқ бўлдими? Ўз ишини мустақил бажаришга ўргандими? Синфдошига ёрдам беряптими? Умумий мулкни асраяптими? Хатосини тан олиб, уни тузатишга ҳаракат қиляптими? Мана шу саволларга жавоб топсак, ишнинг ҳақиқий самарасини кўра оламиз.

Шу сабабли тажриба-синов муассасаларида амалий машғулотларни кузатиш, педагогларга методик ёрдам бериш ва ўқувчиларнинг кундалик фаолиятидаги ўзгаришларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бир мактабда ўқувчиларнинг мустақиллиги ошса, бошқасида жамоавийлик мустаҳкамланса, яна бирида болаларнинг меҳнатга муносабати ўзгарса, буларнинг ҳар бири эътиборга лойиқ натижадир. Муҳими, тарбия болага босим ўтказиш воситаси бўлмасин, унинг яхши фазилатларини юзага чиқаришга хизмат қилсин.

Бугунги тарбия масаласида гапирар эканмиз, нуронийларнинг ўрни ҳақида алоҳида тўхталишни истайман.

Нуроний — фақат ёши улуғ инсон эмас. У ҳаёт тажрибасига эга, кўпни кўрган, яхшилик билан ёмонликнинг фарқини англаган, ўз сўзи ва шахсий намунаси билан ёшларга таъсир кўрсата оладиган инсон. Халқимизда “Қариси бор уйнинг париси бор” деган гап бежиз айтилмаган.

Ҳар бир маҳаллада катта ҳаётий тажрибага эга устозлар, меҳнат фахрийлари, зиёлилар, ҳунармандлар, ўз касбининг моҳир усталари яшайди. Нега уларнинг тажрибасидан фарзандларимиз тарбияси да кенгроқ фойдаланмаслигимиз керак?

Бир нуроний мактабга бориб, болаларга меҳнатнинг қадри ҳақида суҳбат қилиб берса, яна бири ўз касби ва ҳаёт йўли ҳақида гапирса, бошқаси ёшларга ҳунар ўргатса, ишончим комилки, бунинг таъсири катта бўлади. Айниқса, нуронийлар ва ўқувчиларнинг биргаликда кўчат экиши, маҳалла ободончилигида иштирок этиши, кексалар ҳолидан хабар олиши, китоб мутолааси ва миллий анъаналар ҳақида суҳбатлар ўтказиши тарбиянинг жонли мактабига айланиши мумкин.

Бундай ишларда бола фақат тингловчи бўлиб қолмайди. У катталар билан елкама-елка туриб, яхшилик қилишнинг завқини ҳис этади. Шу маънода, Япония тажрибаси билан ўзбек халқининг маҳалла ва устоз-шогирд анъаналарини уйғунлаштириш учун катта имкониятлар бор.

Ҳар бир маҳалладаги ҳаёт тажрибасига бой кексаларимиз ўз ҳудудидаги мактаблар билан яқин ҳамкорлик ўрнатса, ўқувчилар билан мунтазам учрашиб, уларга меҳнат, одоб, ҳалоллик ва инсонийлик ҳақида ҳаётий мисоллар асосида сабоқ берса, қандай яхши бўларди. Бунда қуруқ насиҳатдан кўра, болалар билан биргаликда қилинган битта хайрли иш кўпроқ самара бериши мумкин. Зеро, тарбияда энг кучли таъсир шахсий намунадир.

Яна бир ҳақиқат бор: мактабда бошланган яхши одат оилада давом этмаса, уни мустаҳкамлаш қийин. Ўқувчи мактабда ўз буюмларини тартибга солишга ўрганиб, уйда барча ишни онаси бажаришини кутиб ўтирса, тарбияда узилиш пайдо бўлади.

Мактабда катталарга ҳурмат ҳақида гапириб, уйда боланинг олдида бир-биримизга кўпол муомала қилсак, берган насиҳатимизнинг таъсири камаяди. Шунинг учун ота-она ҳам фарзандига ёшига мос масъулият бериши керак.

Бола ўз хонасини йиғиштирсин, китобларини асрасин, дастурхонга ёрдам берсин, сувни исроф қилмасин, бобо-бувисининг ҳолидан хабар олсин. Бу ишлар болани қийнаш эмас, аксинча, уни ҳаётга тайёрлашдир.

Бугун ҳамма нарсаси муҳайё қилиб берилган бола эртага мустақил ҳаётда қийналиб қолмаслиги учун унга кичиклигидан ишонч билдиришимиз зарур. Айни пайтда интизомни қўрқитиш билан, меҳнатга ўргатишни эса болага оғир юк ортиш билан адаштирмаслигимиз лозим.

Ўғил-қизларимиз нима учун бирор ишни бажараётганини тушунсин. Унинг фикри тинглансин, меҳнати қадрлансин, хатосини тузатишига имконият берилсин. Ана шунда масъулият мажбуриятдан одатга, одат эса инсоннинг табиатига айланади.

Бугунги болалар бизнинг авлодимиздан бутунлай бошқа ахборот муҳитида улғаймоқда. Улар телефон, интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали дунё билан мулоқот қилади. Бунинг яхши томонлари кўп. Лекин бундай шароитда одоб, андиша ва масъулиятнинг аҳамияти янада ортади.

Фарзандимиз кўчада катталарга ҳурмат кўрсатса-ю, интернетда бошқаларни ҳақорат қилса, буни тўғри тарбия деб бўлмайди. У ўзи эшитган ҳар қандай хабарни текширмасдан тарқатса, бошқаларнинг шаъни ва шахсий ҳаётига бепарво қараса, демак, биз унга масъулиятнинг мазмунини тўлиқ англата олмаганмиз.

Шунинг учун тарбия фақат синфхона ёки оила давраси билан чекланмаслиги керак. У бола ҳаётидаги барча муносабатларни қамраб олиши зарур. Яхши одобнинг ўлчови ҳамма жойда бир хил: инсон бошқаларга ҳурмат билан қараши, ўз сўзи ва ҳаракати учун жавобгарликни ҳис қилиши керак.

Баъзан биз жамиятдаги катта ўзгаришларни фақат йирик қурилишлар, янги корхоналар, замонавий технологиялар билан боғлаймиз. Албатта, буларнинг барчаси зарур. Лекин ўша биноларда ишлайдиган, технологияларни бошқарадиган, юрт тараққиётига ҳисса қўшадиган инсон қандай бўлиши керак? У билимли, ҳалол, меҳнатсевар, интизомли, масъулиятли, ўзгаларга ҳурматли бўлиши лозим.

Бундай инсонни бир кунда тарбиялаб бўлмайди. У болалигидан ўз вазифасини бажаришни, бировнинг меҳнатини қадрлашни, ваъдасида туришни, қийинчиликдан қочмасликни ўрганиб боради. Наманганда Япония тажрибаси асосида бошланган ишларга мен ана шу нуқтаи назардан қарайман.

Бу ташаббуснинг қиммати фақат хорижий усулларни қўллаётганимизда эмас. Энг муҳими, биз тарбияга янгича назар билан қараяпмиз, уни кундалик ҳаётга яқинлаштиришга интиляпмиз.

Албатта, ҳали ўрганиш, кузатиш, тўғрилаш ва такомиллаштириш керак бўлган жиҳатлар кўп. Ҳар қандай янги тажриба ўз натижасини вақт ўтиши билан кўрсатади. Бироқ йўналиш тўғри танланса, устоз, ота-она, маҳалла ва нуронийлар бир мақсад йўлида ҳамжиҳат бўлса, бу ҳаракат албатта самара беради.

Мен бир нарсага ишонаман: боланинг қўлига супурги тутқазишдан ҳам муҳимроғи унга умумий жойни асраш масъулиятини англатишдир. Бирор вазифа беришдан ҳам муҳимроғи ўша вазифани виждонан бажаришга ўргатишдир. Одоб ҳақида гапиришдан ҳам муҳимроғи катталарнинг ўзлари унга намуна бўлишидир.

Биз япон методикасидан фойдаланиб, ўзбек фарзандини миллий қадриятларга содиқ, дунёқараши кенг, билимли, меҳнатсевар, мустақил фикрлайдиган ва масъулиятли инсон қилиб вояга етказишимиз керак. Бунда дунёнинг қайси бурчагида бўлмасин, фойдали тажрибани ўрганишдан чўчимаслигимиз лозим. Зеро, миллатнинг эртанги қиёфаси бугун фарзандларимизга бераётган тарбиямизда акс этади.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Девонхона ва ишонч телефони: (71) 233-56-60

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-1146.
29189 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 22:29 Топширилди — 23:55